

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Дилфуза Джўракулова**

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИНГ ИБТИДОИЙ ДАВР ҚАБИЛАЛАРИ  
МОДДИЙ МАДАНИЯТИ**

Самарқанд – 2010

Зарафшон водийсининг ибтидоий давр қабилалари моддий маданияти.  
Рисола. –Самарқанд: СамДУ, 2010, 70 бет.

*Рисолада Зарафшон водийсида содир бўлган илк цивилизациянинг ташиқил топишда асосий манбавий база бўлиб хизмат қилган тош ва бронза даври ёдгорликлари, уларнинг археологик хронологияси ҳамда қабилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти, Зарафшон водийси ибтидоий маданиятининг инсоният тарихий тараққиётида туган ўрни каби масалалар янги ёндашув, мустақиллик руҳияти асосида ёритилган.*

*Университетнинг тарих факультети илмий изланувчилари, магистрлар, талабалари ва юртимиз маданият тарихи билан қизиқувчи кенг ўқувчилари учун мўлжалланган.*

|                         |                                                                                                           |
|-------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Тузувчи:</b>         | доц. Джўракулова Д.М.                                                                                     |
| <b>Масъул муҳаррир:</b> | тарих фанлари доктори, профессор<br>Джўракулов М.Д.                                                       |
| <b>Такризчилар:</b>     | тарих фанлари доктори, профессор<br>Ғаффоров Ш.С.<br><br>тарих фанлари номзоди, доцент<br>Тошкенбоев Н.Х. |

## М У Н Д А Р И Ж А

|                                                                                                                      |               |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|
| <b>Муқаддима ўрнида (Ўрганилиш муаммолари тарихидан).....</b>                                                        |               |
| <b>Боб I. Зарафшон водийсининг палеоэкологияси.....</b>                                                              |               |
| <b>Боб II. Зарафшон водийсининг тош даври ёдгорликлари.....</b>                                                      |               |
| II.1. Қадимги тош даври ёдгорликлари.....                                                                            |               |
| II.2. Сазағон маданияти ёдгорликлари.....                                                                            |               |
| II.3. Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида Калтаминор маданияти ёдгорликлари.....                                           |               |
| II.4. Учтут устахоналари ва неолит даври шахталари.....                                                              |               |
| <b>Боб III. Зарафшон водийсининг энеолит ва жез даври ёдгорликлари.....</b>                                          |               |
| III.1. Саразм ёдгорликлар комплекси.....                                                                             |               |
| III.2. Қадимги деҳқончилик маданияти. Кўктепа.....                                                                   |               |
| III.3. Замонбобо маданияти.....                                                                                      |               |
| III.4. Жуков мемориал комплекси.....                                                                                 |               |
| III.5. Жом қишлоғи ва унинг атрофидаги ёдгорликлар.....                                                              |               |
| III. 6. Сармишсой қоятош суратлари.....                                                                              |               |
| <b>Боб IV. Зарафшон водийси тош ва жез даври археологик ёдгорликларининг хронологияси.....</b>                       | <b>Ю.....</b> |
| <b>Боб V. Зарафшон водийсида ибтидоий уруғ жамоалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда этномаданий ҳаёти.....</b> |               |
| <b>Хулоса.....</b>                                                                                                   |               |

## **МУҚАДДИМА ЎРНИДА**

### **(Ўрганилиш муммолари тарихидан)**

Зарафшон водийси ўзининг табиий-географик ўрнига кўра, нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё минтақасининг марказий қисмини ташкил этади. Бу замин одамзод аجدодлари томонидан қадимги тош даврининг илк палеолит давридан эътиборан ўзлаштирилган. Шу даврдан бошлаб кишилик тарихининг барча босқичларига оид археологик ёдгорликлар топилиб, улар асосида воҳа аҳолисининг ибтидоий давр тарихи тадрижий кетма-кетликда ўрганиб чиқилган.

Бироқ бу жуда бой ва хилма-хил маданий мерос ҳозиргача ҳеч ким томонидан аниқ бир илмий тизимга солиниб умумлаштирилмаган ва махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Боз устига, бу бой тарихий ва маданий мерос талқини ва илмий таҳлили уларнинг муаллифлари томонидан яқингача марксистик методология асосида тадқиқ қилиниб келинди.

Улар янгича талқин ва таҳлилга муҳтож. Мавжуд материалларни янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида илмий анализ (таҳлил) қилиш, замон талаби асосидаги илмий таҳлилдан ўтказиб, уларни тарихий кетма-кетликда умумлаштириш ушбу мавзунинг ўта долзарблигини таъкидлайди. Мавзу Зарафшон воҳасининг энг қадимги тарихи, яъни археологик маънода, кишилик тарихининг тош ва бронза, яъни ибтидоий давр тарихига бағишланганлиги учун тадқиқот объектлари археологик ёдгорликлари ва ашёларини ташкил этади.

Ушбу рисолада тадқиқот мавзусининг даврий чегараси Зарафшон водийси ёдгорликларининг мустъе – илк темир даврлари оралиғини ўз ичига олади. Шуни қайд этиш лозимки, Зарафшон водийсида мустъе даври ёдгорликлари кенг ўрганилган. Улар Омонқўтон<sup>1</sup>, Такалिसой<sup>2</sup>, Қизилнура 1<sup>3</sup>, Зирабулоқ<sup>4</sup>, Қўтирбулоқ<sup>5</sup> ва бошқа ёдгорликлар бўлиб, улардан ўша давр

<sup>1</sup> Лев Д.Н. Древний палеолит в Аманкутане. Труды УзГУ, вып. 69. –Самарканд, 1979; Новые находки в пещере Аманкутан. «Природа», №1, 1985.

<sup>2</sup> Лев Д.Н. Пещера эпохи палеолита близ г. Самарканд. «Природа», №6, 1953; Новые памятники палеолита в Узбекистане. Труды по изучению четвертичного периода. Вып. XIII, Москва, 1957.

<sup>3</sup> Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Кызылнура 1 – первый мустьерский памятник в Кызылкумах. СА, №1, 1969.

<sup>4</sup> Ташкенбаев Н.Х. Новые памятники древнекаменного века в Самаркандской области. ОНУ, №11, 1971.

одамларининг овчилик ва термачиликка асосланган турмуш тарзи, меҳнат қуроллари, ов ҳайвонларининг суяк қолдиқлари асосида мустье даври одамларининг ҳаёти ёритилади. Уларнинг даврий санасини белгилашда XX асрнинг 30-йилларида ишлаб чиқилган, маҳаллий стратиграфик чизмалардан фойдаланиб, ёдгорликларнинг санаси белгиланган эди<sup>6</sup>.

Зарафшон воҳасида юқори палеолит даври ёдгорликлари 10 дан ортиқ жойлардан топилган. Улар орасида Самарқанд манзилгоҳи алоҳида аҳамият касб этади. Аммо Самарқанд манзилгоҳининг ёши масаласида олимлар орасида баъзи бир баҳс ва тортишувлар мавжуд. Д.Н.Лев ёдгорлик маданий қатлами (Insit)дан топилган архаик тош қуроллarga асосланиб, Самарқанд манзили санасини юқори палеолитнинг бошлари билан белгилайди<sup>7</sup>. Геологлар (А.А.Юрьев, Г.Ф.Тетюхин) эса ёдгорлик ёшини юқори плейстоценнинг Мирзачўл террасаси ётқизиклари таҳлили асосида (38.000 ёш) белгилайдилар. В.А.Ранов эса Самарқанд манзилгоҳи материалларини бошқа ёдгорликлар тош индустрияси билан қиёсий ўрганиб, унга мил. авв. 15-20 минг йилликлар оралиғидаги ёшни беради<sup>8</sup>. Самарқанд манзилгоҳи тош қуроллари трассологик жиҳатдан ўрганган олима Г.Ф.Коробкова эса ёдгорлик ёшини юқори палеолит даврининг сўнгги босқичи (мил. авв.13.000) билан белгилашни таклиф қилади<sup>9</sup>.

Нихоят, Самарқанд юқори палеолит манзилгоҳи билан боғлиқ кўпгина баҳсли масалалар М.Ж.Жўрақуловнинг «Самарқанд манзилгоҳи ва Ўрта Осиёда юқори палеолит муаммолари» номли монографиясининг чоп этилиши («Фан» нашриёти, 1987 йил) муносабати билан ўз ечимини топди.

---

<sup>5</sup> Ташкенбаев Н.Х. Об исследовании палеолитической стоянки Кутурбулак. ИМКУ, вып. 12. –Ташкент, 1975; Ташкенбаев Н.Х., Сулайманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Ташкент: «Фан», 1980.

<sup>6</sup> Тетюхин Г.Ф., Ташкенбаев Н.Х., Сулайманов Р.Х. Геоморфологические положения мустьерского местонахождения Кутурбулак. ИМКУ, вып. 14. –Ташкент, 1978; Ранов В.А., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. –Душанбе, 1973.

<sup>7</sup> Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде. Исследования 1958-1960 гг. Тр. СамГУ, вып.135. – Самарканд, 1964; его же. Палеолит Самаркандской области... -С. 97.

<sup>8</sup> Ранов В.А. Самаркандская стоянка и её место в каменном веке Средней Азии. Изв. отд. общ. наук АН Тад. ССР. Вып. 85, -Душанбе, 1969.

<sup>9</sup> Коробкова Г.Ф. Трассологические исследования каменного инвентаря Самаркандской стоянки (По материалам 1958-1960 гг.) // МИА, №185, -Москва, 1972. -С. 159-167.

Зарафшон водийсида мезолит даври ёдгорликлари ҳозирча кам ўрганилган. Бу даврга оид объект сифатида Сазагон 1 манзилгоҳини кўрсатиш мумкин. Мезолит даври тош қуроллари Учтут тош устахонаси ва баъзи бир Учтут неолит шахталарида ҳам учрайди. Аммо бу даврга тегишли таянч ёдгорлик Зарафшон водийсида ҳозирча топилгани йўқ.

Водийда неолит даври ёдгорликларининг ўрганилиш масаласи анча яхши йўлга қўйилган. Бу даврга оид археологик ёдгорликлар Зарафшон тоғ тизмаларининг Қоратепа массиви музофотларида<sup>10</sup>, Нурота тоғ тизмаларининг Қоратоғ ёнбағирларида<sup>11</sup>, Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларида ўрганилган<sup>12</sup>. Аммо Сазагон маданияти ёдгорликларининг ёши масаласида бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар уларни неолит даврига тегишли деб чиқдилар<sup>13</sup>. Д.Н.Лев Сазагон 1 манзилгоҳини ҳатто калтаминор маданиятига мансуб деб ҳисоблади<sup>14</sup>. Сазагонсой террасаларининг геологик кесмаларига асосланиб, геолог Э.Д.Мамедов эса уларнинг санасини мезолит-неолит даврлари билан белгилашни таклиф қилди<sup>15</sup>. Трассолог Г.Ф.Коробкова эса Сазагон манзилгоҳлари тош индустрияси асосан мезолит даврига тегишли, деган тўғри хулосага келади<sup>16</sup>. М.Ж.Жўракулов ва Ю.П.Холюшкинлар Сазагон 1 манзилгоҳи археологик комплексининг юқори даражадаги микролит характерда эканлигини таъкидлайдилар ва унинг тарихий илдизини Самарқанд

---

<sup>10</sup> Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. -Ташкент, 1991; Лев Д.Н. Из истории изучения Первобытной археологии Самарканда // Тр. СамГУ, вып. 182. -Самарканд, 1970; Его же, Итоги работы археологического отряда Самаркандского университета им. А.Навои в 1966 г. // Тр. СамГУ, вып. 218. -Самарканд, 1972.

<sup>11</sup> Мирсаатов Т.М. Древние шахты Устута. -Ташкент, 1973; Ўша муаллиф. Горные Разработки в эпоху камня. Ташкент, 1977; Мирсаатов Т. Хозяйство охотничье-рыболовческих племен среднеазиатского междуречья поры мезолита-неолита (источники сырья, эволюция способов его добычи и хозяйственные комплексы). Автореф. докт. дисс. -Новосибирск, 1989. -Стр. 16-17.

<sup>12</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. -Ташкент, 1966.

<sup>13</sup> Лев Д.Н. Итоги работы археологического отряда СамГУ в 1966 г. // Тр. СамГУ вып. 218. -С. 15; Холюшкина В.А. Неолитическая стоянка Сазаган // Тез. докл. -Самарканд, 1972. -С. 11; Джуракулов М.Дж. Стоянка эпохи неолита в Сазагане // ОНУ, № 8. -С. 58.

<sup>14</sup> Лев Д.Н. Итоги работы археологического отряда... -Стр. 15-16.

<sup>15</sup> Джуракулов М.Дж., Мамедов Э.Д. Геология археологических памятников Зарафшана. -Ташкент, 1986. -С. 74, 77.

<sup>16</sup> Коробкова Г.Ф. Культуры и локальные варианты мезолита и неолита Средней Азии // СА, №3, 1975. -С. 23.

юқори палеолит ёдгорлиги билан боғлайди, ёш жиҳатидан эса у мезолит даврига тегишлидир, деган тўғри хулосага келадилар<sup>17</sup>.

Археолог олим М.Ж.Жўракулов шогирди Н.У.Холматов билан бирга ёзган асарида Сазагон 2 археологик комплекси асосида неолит даври материаллари ётишини кўрсатиб, уни икки маданий қатламли ёдгорлик сифатида таҳлил қилади<sup>18</sup>. Бироқ бундай хулосага келиш учун ёдгорликнинг янада кенгроқ ўрганилиш зарурияти бор. Ҳозирги вақтда шу музофотда жойлашган “Очил” ғор макони ўрганилмоқда. Уни ўрганаётган археолог Н.У.Холматовнинг маълумотларига қараганда, макон кўп қатламли бўлиб, мезолитдан жез давригача бўлган маданий қатламлар мавжудлиги аниқланган. Бу ёдгорликнинг стратиграфик жойланиши илмий асосланса, Сазагон маданиятининг хронологик ҳолати ва унинг тош асрида тутган ўрни ҳамда хронологияси аниқланиб, янги ойдинликлар киритилиши кутилмоқда.

Профессор М.Жўракулов ушбу ёдгорлик материалларини эълон қилишга бағишланган бошқа бир мақоласида Сазагон 2 манзилини қазиш вақтида тош конструкцияли кулба қолдиқлари учратилганлиги ва неолит даврига оид қабр ҳам очилганлиги ҳақида хабар беради<sup>19</sup>. У бошқа бир асарида эса ушбу қабрни неолит даврига оид эканлигига шубҳа билдирган<sup>20</sup>. Афсуски, Сазагон маданияти ёдгорликларининг стратиграфияси, даврий санаси, уларни чизмага олиш услубида айрим методик камчиликлар ҳамон учрайди. Бизнинг таҳлилий кузатувларимиз Сазагон 2 манзилгоҳидан топилган қабрларни неолит даврига тегишли эканлигига шубҳа туғдирмайди. Хуллас, ушбу ёдгорликлар устида олиб бориладиган илмий изланишларнинг адоғи йўқ. Улар билан боғлиқ илмий муаммолар ечими галдаги тадқиқотлар билан боғлиқдир.

Энеолит даври Зарафшон водийси тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Айнан шу даврда водий аҳолиси ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи

---

<sup>17</sup> Джуракулов М.Дж., Холюшкин Ю.П. Предварительные результаты статистического подсчёта и характер развития неолитической индустрии Сазаган 1. «Материалы по истории Узбекистана» // Тр. СамГУ, вып. 307. – Самарканд, 1976.

<sup>18</sup> Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. –Ташкент, 1991, стр. 42.

<sup>19</sup> Джуракулов М.Дж. Работы в Самаркандской области. АО 1981 года. –Москва, 1983, стр. 54.

<sup>20</sup> Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит... стр. 42-43.

хўжаликка ўта бошлади<sup>21</sup>. Водийда ўрганилган энеолит ва илк бронза даврининг ноёб ёдгорлиги Саразм бўлиб, унинг тадқиқотчиси А.Исаковнинг ёзишича, бу жойда ҳаёт 1,5 минг йил давом этган. Шу даврни у 4 та хронологик босқичларга бўлиб ўрганади<sup>22</sup>.

Саразмда ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари жадал ривожланади. Бу давр учун характерли технологик кашфиёт Саразм IV босқичида кулолчилик чархининг пайдо бўлишидир. Тошдан меҳнат қуролилари ишлаб чиқариш профессионал даражага кўтарилади. Қимматбаҳо тошлардан турли хил тақинчоқлар, тумор ва муҳрлар яшаш юксакликка кўтарилади.

Аммо собиқ совет даври археологик адабиётларида Зарафшон водийсида илк урбанистик жараёнларнинг пайдо бўлишига асос бўлган Саразм маданиятининг имкониятлари, Саразмнинг тоғ кон саноати маъдан конлари билан боғлиқ жиҳатлари очилмай қолган. Саразмда илк шаҳар маданияти инқирозининг сабаблари ўрганилмаган. Саразм маданияти хронологиясида ҳам анчагина баҳсли томонлар мавжуд. Улар ҳақида ушбу рисоланинг тегишли бобларида фикр-мулоҳазалар юритамиз.

Тарихий илдизлари энеолит ва илк бронза даври маданий дунёси билан боғлиқ “Замонбобо маданияти”<sup>23</sup>ни ўрганишда кўп муаммоли масалалар мавжуд бўлиб, айниқса, унинг хронологияси масаласида объект тадқиқотчиси А.Асқаров уларни ўз пайтида бартараф этганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Зарафшон водийси бронза даврида кенг кўламда ўзлаштирилади. Чорвадор дашт қабилалари ёдгорликлари топилган минтақа географияси

---

<sup>21</sup> Исаков А. Саразм. –Душанбе, 1991. –С. 5-138; Гулямов Я.Г., Исламов У., А.Асқаров. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент, 1966. –С. 117-169; Аванесова Н.А., Джуракулов М.Дж. Древнейшие номады Зеравшана // «Культура номадов Центральной Азии». Материалы международной конференции. Самарканд, ноябрь, 2007 г. –Самарканд, 2008. –С. 12-32.

<sup>22</sup> Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. –Душанбе, 1991.

<sup>23</sup> Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса // Тр. Ин-та Истории и археологии АН Узбекистана, вып. 8. –Ташкент, 1956; Кузьмина Е.Е. Могильник Заманбаба // СЭ, №2, 1958; Асқаров А. Культура Заманбаба в низовьях Зарафшана // ОНУ, №11. –Ташкент, 1962; Его же. Поселение Заманбаба // КСИА, вып. 93, 1963; Гулямов Я.Г.; Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент, 1966. –С.118-186.

(Тўкайли<sup>24</sup>, Жом<sup>25</sup>, Галашерик<sup>26</sup>, Мўминобод<sup>27</sup>, Чорбоғ<sup>28</sup>, Дашти-Ўрдакон<sup>29</sup>, Чакка<sup>30</sup>, Сайгус<sup>31</sup>, Сиёб<sup>32</sup>, Сазағон 2<sup>33</sup>, Гуджайли<sup>34</sup>, Қизил-қир<sup>35</sup>, Дашти Казо<sup>36</sup> ва бошқалар) кенгаяди<sup>37</sup>. Аммо собиқ Совет даври илмий адабиётларида чорвадор дашт қабилаларининг чорвага ноқулай жойларда (масалан, Дашти Казо) жойлашиш сабаблари очилмаган. Шунингдек, дашт қабилаларига тегишли ёлғиз қабрларнинг учраши сабаблари тарихий таҳлил қилинмаган. Археологик ёдгорликлар тавсифий характерда ўрганилиб, улардан хулосалар чиқаришга кам эътибор берилган.

Мустақиллик туфайли ўтмиш тарихга, унинг объектларига, уларнинг тарихий талқинидан келиб чиқадиган натижаларга қараб таҳлил этиш усуллари қўлланила бошланди. Натижада Зарафшон водийсининг сув ҳавзаларига яқин минтақаларда таркиб топган ёдгорликлар асосида ўтроқ деҳқончилик хўжалиги ётганлиги, улар “кечаги” қишлоқлар бўлган бўлса, “бугун”, секин-аста йирик илк шаҳарлар марказига айланганлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар қилина бошланди. Тарихий илдизлари Қадимги Шарқ цивилизациясига бориб тақалувчи илк урбанистик жараёнлар милoddан аввалги II-минг йилликнинг охири ва I-минг йилликнинг бошларидан яна жонлана бошлайди. Ана шу

<sup>24</sup> Жўрақулов М., Аванесова Н., Амиркулов Б. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. –Самарқанд, 1994. – Б. 111-113.

<sup>25</sup> Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Яркулов А.О. К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла. «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии». Самарқанд-Бишкек, 2005, стр. 13.

<sup>26</sup> Аванесова Н.А. и др. К вопросу о культурной принадлежности джамских... стр. 15.

<sup>27</sup> Лев Д.Н. Погребение эпохи бронзы близ г. Самарканда. КСИА АН СССР, вып. 108. –Москва, 1966, стр. 101-104; Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде. ИМКУ, №8, стр. 56-62, Ташкент, 1969; Ўша муаллиф: Могильник эпохи бронзы в Муминабаде. КСИА АН СССР, вып. 122, Москва, 1970, стр. 64-66.

<sup>28</sup> Якубов Ю. Работы Зерафшанского отряда в 1975 г. АРТ, вып. XV. –Душанбе, 1982.

<sup>29</sup> Беленицкий А.М., Маршак Б.И., Исаков А. Раскопки древнего Панжикента в 1976 г. АРТ, вып. XV. – Душанбе, 1981.

<sup>30</sup> Жўрақулов М., Аванесова Н., Амиркулов Б. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. –Самарқанд: СамДУ, 1994. –Б. 107-111.

<sup>31</sup> Жўрақулов М. ва б. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. –Самарқанд: СамДУ, 1994. –Б. 165.

<sup>32</sup> Жўрақулов М. ва б. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. –Самарқанд: СамДУ, 1994. –Б. 105-106.

<sup>33</sup> Жўрақулов М. ва б. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. –Самарқанд: СамДУ, 1994. –Б. 114-115.

<sup>34</sup> Аскарлов А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана. ИМКУ, вып. 3. –Ташкент, 1962, стр. 28-35; Гулямов Я.Г. и др. стр. 187-223.

<sup>35</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент, 1966, стр. 224-225.

<sup>36</sup> Исаков А., Потёмкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане. СА №1, 1989, стр. 145-167.

<sup>37</sup> Жўрақулов М., Аванесова Н., Амиркулов Б. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. –Самарқанд: СамДУ, 1994, –Б. 105-111.

жонланишнинг гувоҳи сифатида Зарафшон водийсининг ўрта қисмида Кўктепа, Афросиёб каби илк шаҳарлар қад кўтаради.

Шундай қилиб, Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври қабилаларининг маданияти ҳақида жуда катта археологик материаллар тўпланган. Ҳар бир давр археологик комплекслари баҳоли қудрат системалаштирилган аниқликлар киритилди. Шу билан бирга уларнинг баъзиларини ўрганиш методикаси, даврий саналарини аниқлаш, тарихийлик нуқтаи назаридан объектив таҳлил этиш ва бошқа қатор масалалар ўз илмий ечимини топа олмай очик қолган ёки ҳозирга қадар илмий баҳслидир. Айниқса, тарихий тараққиётни тадрижий кетма-кетликда ҳолисона таҳлил этиш, иқтисодий ва сиёсий инқирозларнинг келиб чиқиш сабаблари, илк шаҳар маданиятининг янада жонланиш тарихий илдизлари очилмай қолган. Энг муҳими, юқорида таъкидлаганимиздек, бу бой тарихий ва маданий мерос талқини ва илмий таҳлили уларнинг муаллифлари томонидан яқингача марксистик методология асосида тадқиқ қилиниб келинган эди. Шу боисдан ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади мавзу бўйича тўпланган жуда бой археологик материалларни тарихий кетма-кетликда объектив таҳлил этиб, воҳада ибтидоий уруғчилик жамоалари тарихини ривожланиш жараёнларини кузатиш ва уларни умумлаштиришдан иборат.

Мавзуни ёритиш жараёнида объективлик, илмий холислик, тарихийлик тамойилларига таянилди. Асосий эътибор юз берган воқеаларнинг ўзаро диалектик алоқадорлиги ва бир тизимлигига қаратилди. Тадқиқот жараёнида мавзуни ёритишда миллий истиқлол ғоясидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Шунингдек, юртбошимиз И.А.Каримов асарларида баён этилган методологик кўрсатмаларга амал қилган ҳолда тарихга холисона ёндашилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жуда бой археологик материалларни замон талаблари асосида илмий ўрганиш рисолада қуйидаги муаммовий масалаларнинг ечимини бериш назарда тутилган:

— Зарафшон водийсининг ўзлаштирилиш тарихини даврма-давр аниқлаб, ҳар бир давр маданияти, уларнинг даврий саналари ҳақидаги объект тадқиқотчилари хулосаларини янгича ёндашувлар асосида ўрганиш;

— Зарафшон водийси материаллари асосида ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш жараёнларини кузатиш;

— қадимги деҳқончилик маданиятининг ноёб объекти Саразмда Зарафшон водийсининг йирик Саразм металлургия марказини ташкил топиш моддий базасини ўрганиш ва шу марказнинг металл хомашёсининг жанубий минтақаларга кириб бориши муносабати билан Жом дашт савдо қарвон йўли ва Жом савдо қарвон саройини ташкил топиш сабабларини очиш;

— энеолит ва илк бронза даврида Зарафшон водийсининг юқори туманларида интенсив ривожланишда давом этган урбанистик жараёнларнинг милoddан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан инқирозга юз тутиш сабабларини аниқлаш;

— милoddан аввалги II-минг йилликнинг охирларидан воҳада урбанистик жараёнларнинг қайтадан жонланиш сабабларини очиб бериш.

### **I Боб. Зарафшон водийсининг палеоэкологияси**

Зарафшон водийси ҳудуди Марказий Осиёнинг қадимги тарихий вилоятларидан бири бўлиб, бу ерда одамзод илк палеолит давридан эътиборан қўним топган ва кейинги тарихий тараққиётнинг барча босқичларини бошдан кечирган, инсон ҳаёти ва маданият пешма-пеш узлуксиз цивилизация сари ривожланишда бўлганлиги хилма-хил ва бой моддий маданият манбалари асосида исботланган. Бу узоқ ўтмиш тарихи билан боғлиқ тараққий жараёни водийда ўзига хос маҳаллий цивилизациянинг ташкил топишига олиб келган.

Ушбу рисола мақсади билан боғлиқ масалаларни янги ёндашув асосида таҳлил қилиб чиқишда, аввало, Зарафшон водийсининг жўғрофик жойлашиши, геологик ётқизиқлари, палеоэкологияси, хуллас, табиати ва иқлим шароитлари ҳақида қисман бўлса-да, тушунчалар бериб ўтиш лозим бўлади. Дарҳақиқат, Зарафшон водийси бошқа водийлардан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, Туркистон – Оқтоғ билан Зарафшон тизмалари орасида

жойлашган кўндаланг водийдир. Унинг шарқий тоғли қисми Тожикистон, ғарбий тоғ этаги ва текислик қисми Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Водийнинг қадимчилиги ҳам шундаки, у қадимдан тектоник ҳаракат йўли билан вужудга келган. Унинг ҳозирги ер устки рельефининг шаклланишида Зарафшон дарёсининг доимий ва вақтинчалик – мавсумий ирмоқлари ҳамда даврий равишда эсадиган шамол муҳим роль ўйнаган. Зарафшон дарёси қадимдан водийнинг асосий сув манбаи бўлиб келган бўлиб, қадимги вақтларда турли номлар билан ва ниҳоят, XVIII асрдан бошлаб «Зарафшон» деб атала бошланган. Дарёнинг узунлиги 877 км, ҳавзасининг умумий майдони 11710 км<sup>2</sup>, шундан тоғли қисми 17710 км<sup>2</sup>, қолган жойлари тоғолди ирмоқлари ва текисликлардан иборат.

Зарафшон водийси баланд тоғли Зарафшон музлигидан бошланади ва унинг энг юқори нуқтаси 2775 метр бўлиб, Сандикли қумигача 781 км масофагача чўзилган. Бу ернинг баландлиги 185 метрдан иборат. Водий ана шу масофада ғарбий ва жанубий-ғарбий йўналиш бўйлаб давом этади ва аста-секин пасайиб ҳамда кенгайиб боради.

Водийнинг устки қисми турли давр, асосан, тўртламчи давр аллювиал жинслари қоплаган учламчи давр чўкинди жинсларидан таркиб топган. Водий ўрнида неоген давригача денгиз бўлган ва Алп орогенезида водий қуруқликка айланган. Зарафшон дарёси қадимги даврларда ҳозиргига қараганда анча серсув бўлган. Сув оқимининг кучайиши ва сусайишига қараб, дарё ўз ўзанини доимий равишда ўзгартириб ва чуқурлаштириб борган, натижада турли даврларда ҳар хил қайирлар (терассалар) ҳосил қилган. Масалан, шарқий тоғли қисмида 6 та қайир ҳосил бўлган бўлса, водийнинг бошқа жойларида ундан камроқ қайирлар ташкил топган. Зарафшон водийсининг юқори қисми бирмунча тор ва чуқур, қуйи қисмида эса водий анча кенгайиб боради. Ўзбекистон ҳудудига ўтгач, унинг кенглиги айрим жойларда 60-70 км гача бориб етади. Хусусан, Бухоро воҳаси ана шундай кенгликда жойлашган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Зарафшон водийсининг узунлиги 430 кмни

ташкил қилиб, унинг бу қисмида Самарқанд, Бухоро, Қоракўл воҳалари жойлашган<sup>38</sup>.

Зарафшон водийси қадимги деҳқончилик ривож топган масканлардан бўлиб келган. Водийда ўтроқ деҳқончиликнинг кўҳна илдизлари неолит даврига (мил. авв. VI-IV минг йиллик) бориб тақалади. Зироатчиликнинг излари Сазагон маданияти ёдгорликларида намоён бўлиб, бу ҳодиса узлуксиз тараққиётда бўлган ва мил. авв. 2-минг йилликка келиб анча ривож топиб, суғорма деҳқончиликка ўтилган. Бундай жараёни Саразм ва Замонбобо энеолит ва жез даври моддий маданиятида кузатиш мумкин бўлинди. Бу жараён узлуксиз давом этган. Дарҳақиқат, Зарафшон водийсида мил. авв. 2-минг йиллик ва 1-минг йиллик бошларида яшаган ўтроқ аҳоли бу дарёдан тўғонлар орқали канал – ариқлар чиқариб деҳқончилик қилганлар. Бундай ирригация ишлари асрлар оша қизғин давом этган.

Аслида Зарафшон дарёси Туркистон, Зарафшон ва Олой тоғ тизмалари қўшилган жой – Мастгоҳ (Кўксув) тоғ тугунидаги Зарафшон музлигидан бошланади. Бошланиш жойидан қарийб 189 км қуйида, чапдан Фандарё қўшилади ва Зарафшон номини олади. Зарафшон дарёси Рабодхўжа тўғони яқинида Тожикистон ҳудудидан чиқиб, Ўзбекистон чегарасига киради ва Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари бўйлаб ўтади ҳамда воҳаларни оқар сув билан таъминлаб келади. Самарқанд шаҳридан 6-8 км шарқроқда, Чўпонота тепалиги ёнида дарё икки тармоққа – Оқдарё (ўнг), Қорадарё (чап)га ажралиб, бу ажралиш Хатирчи туман маркази Янгиобод шаҳарчаси яқинида бирлашади ва яна Зарафшон номи билан оқади. Дарёнинг бу тармоғи оралиғи эса тарихан Миёнқол ороли номи билан юритилинади. Зарафшон дарёси милoddан олдинги даврларда Амударёга қуйилган.

Зарафшон дарёсининг энг юқори қисмида умумий майдони 557 км<sup>2</sup> музлик қоплаб ётади ва водийни сув билан таъминлашда муҳим ва бирдан бир заҳира ҳисобланади. Зарафшоннинг бошланғич сув тўпланиш майдони анча баландликда жойлашган. Масалан, Дупули кўпригидан юқоридаги қисмининг

---

<sup>38</sup> ЎзМЭ. Жилд 3. –Б. 675.

ўртача баландлиги 3100 метр. Шу боисдан унинг юқори хавзасида доимий қор ва музликлар сероб учрайди. Зарафшон дарёси абадий музлик, доимий ва мавсумий қор қоплами ва чашма сувларидан тўйинади. Шунингдек, хавзаси юқори қисмида 80 га яқин ҳар хил ҳажмдаги кўллар бор. Қиш вақтларида дарё асосан ерости булоқ сувлари ҳисобига тўйинади<sup>39</sup>.

Зарафшон водийсининг палеоэкологиясини ўрганишда археологик манбалар муҳим ўрин тутди. Бинобарин, одамзод ҳаёти қадимги экологияга боғлиқ бўлган. Палеоэкология палеонтология фанининг муҳим бўлими ҳисобланиб, кўҳна геологик даврларда яшаган ҳайвонот ва ўсимликларнинг ўша вақт муҳити билан ўзаро муносабатини, кирилиб кетган жонзотларнинг ҳаёти ва яшаш шароитларини ўрганади. Палеоэкология чўкинди ётқиқиқларини фашиал таҳлил қилишда муҳим ҳисобланиб, уларнинг литологик таркиби билан узвий боғлиқдир. Палеоэкология қадимги организмлар яшаш шароитини ўрганишда, асосан, уларнинг склет қолдиқларини ўрганиш (морфофункционал таҳлил) усули қўлланилади. Қадимги ҳайвонлар яшаган шароитларини ўрганиб, палеоэкология палеонтология ҳамда геология учун баъзи фойдали қазилмалар пайдо бўлиши шароитларини аниқлаш ва ўхшаш шароитларда ҳосил бўлган турли фойдали қазилмалар конини башорат этишда ҳам кенг қўлланилади.

Зарафшон водийси асосан 3 та йирик, яъни Самарқанд, Бухоро, Қорақўл воҳаларидан иборат. Самарқанд воҳаси Самарқанд ботиғида жойлашган. Воҳа шимолдан Ғубдинтоғ – Оқтоғ – Қоратоғ, жанубдан Қоратепа – Зирабулоқ – Зиёвуддин каби ўртача баландликка эга тоғлар билан ўралган. Воҳа кенглиги 50 кмгача боради, Навоий шаҳридан ўтгандан кейин водий яна торая боради. Масалан, Қизилтепа ва Офтобачи қирлари бир-бирига анча яқинлашиб, Ҳазор йўлагини ҳосил қилиб, унинг кенглиги 8 км ни ташкил қилади. Воҳанинг ер сатҳи асосан текис ва уни Зарафшон дарёси ва вақтинча, мавсумий оқар сувли сойлар кесиб, парчалаган ҳамда баъзи жойларда чуқур жарликлар, сойлар ҳосил қилган. Масалан, Самарқанд шаҳри ҳудуди жуда кўп сойлар ва чуқур жарликлардан иборат бўлган. Ҳозирги Динамо ўйингоҳи қурилган жой

---

<sup>39</sup> Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Ўзбекистоннинг сув ресурслари... -Т., 1989.

қадимий чуқур сойлардан бири бўлиб, у тарихан жуда эски. Ўйингоҳнинг юқорироғида маҳаллий сув ҳавзаси қурилган. 1939 йилда шу қурилиш вақтида сойнинг чап қирғоғида сўнгги палеолит даврига оид манзилгоҳ топилиб ўрганилган. Ўйингоҳнинг пастки оқими қирғоғидан яна бир шу даврга оид манзилгоҳ топилиб ўрганилган. Шунингдек, ҳозирги ҳаракатдаги Кашшофлар биносининг атрофидан, собиқ Иваново парки ҳудудларидан, ҳозирги Кошғарий кўчаларидан ўрта палеолитга доир тош қуроллар топилган. Шунингдек, Омонқўтон маконидан жайрон, морал, айиқ, бўри, тоғ эчкиси, муфлон, тошбақа каби жониворларнинг, Қўтирбулоқ маконидан топилган буқа, бухоро буғуси, фил каби, шунингдек, сўнгги палеолитга оид Самарқанд маконидан топилган бухоро буғуси, ёввойи от, буқа, плейстоцен эшаги каби жониворларнинг суяк қолдиқларининг топилиши плейстоцен даврида Зарафшон водийси турли ҳайвонот дунёси ва баргли ўсимликлар дунёсига бой бўлганлигидан гувоҳлик беради. Булардан ташқари, Осиё қўйининг, кулон (эшак), жайрон, дашт тошбақаси, кўрсичқон ва бошқа хашакхўр жониворларнинг қолдиқларининг тақдим қилиниши водийнинг адир ва текислик ҳудудлари ўтлоқларга сероб бўлганлигидан далолат беради. Шуни эслатиш лозимки, Қўтирбулоқ фауна комплекси Омонқўтон ва Такалисой маконлариникига жуда яқин ўхшашлиги аниқланган. Бу топилма ашёлар бундан 100-40 минг йиллар аввал яшаган ибтидоий одамларга тегишли бўлиб, геологик ётқизик жиҳатдан Сирдарё О<sub>3</sub> терассасига тўғри келади. Палеолит даврида Самарқанд воҳаси бой тўқайзор, чакалакзор ва ўрмонлардан иборат бўлиб, турли ёввойи жониворларга сероб бўлган. Масалан, Самарқанд манзилгоҳини қазиб тадқиқ қилиш вақтида йирик ёввойи отлар, буқалар, бухоро буғулари каби жониворларнинг оловда тобланган суяк қолдиқлари кўплаб топилган.

Ҳазар йўлагидан ўтилган водий яна кенгаяди ва жанубий-ғарбга бурилиб, Бухоро воҳасини ҳосил қилади. Унинг бу қисмида водийнинг кенглиги 70 км гача етади ва аста-секин текисликка айланади.

Бухоро воҳаси шимолдан Қизилқум билан, Шарқдан Қўштепа платаси – супа тоғи билан ўралган. Воҳа жанубий ғарбга, ғарб ва шимолий ғарбга томон

бироз нишаб бўлиб, унинг мутлақ баландлиги 200-280 метрни ташкил қилади. Воҳанинг кўпгина жойларидан турли асрларда қурилган каналлар ва йирик ариқлар кесиб ўтган. Мавсумий оқар сувлар туфайли ҳам сойлар, айрим жойларда жарликлар ҳосил бўлган. Воҳанинг кўпгина жойларидан ибтидоий давр, хусусан, мезо-неолит даврлари макону манзилгоҳлари кўплаб топилган. Бронза даврига келиб, воҳа ибтидоий одамзод томонидан кенг ўзлаштирилган ва айрим жойларда суғорма деҳқончилик ташкил топган. Зарафшон водийси Бухоро воҳасида жанубий-ғарбга қараб торайиб борган, айниқса, Қоракўл платаси яқинида анча торайиб Қоракўл йўлагини ҳосил қилган ва водий яна кенгайиб, сўнгра Қоракўл воҳаси бошланади. Бу воҳани жанубий-ғарбдан Сандикли кўли, шимолий шарқдан Қоракўл платаси ва жанубдан Эшакчи қумлиги ўраб туради. Бу ерда водийнинг кенглиги 48-50 км, мутлақ баландлиги 185-200 метрни ташкил қилади. Воҳа ҳудудида Кичик шўр кўл ва пастликлар мавжуд.

Зарафшон водийсининг табиий шароити, хусусан, унинг ўрта оқими ҳавзаси тўртламчи даврда ибтидоий одамлар яшаши учун анча қулай экологик шароит бўлганлигидан палеолит даври археологик ёдгорликлари гувоҳлик беради.

Зарафшон водийси ер усти рельефи текисликлардан, тоғолди баландликлардан ҳамда баланд тоғлардан иборат бўлиб, бу эса табиий иқлим ва экологик шароитларнинг ҳам турлича бўлишини тақозо қилган ҳолда шунга нисбатан ер қоплами, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини белгилайди. Зарафшон водийси тоғли туманлари геологик тузилмаси ҳамда тоғ массивлари ботиқлари палеозой даври жинсларидан иборат. Палеоген жинслари таркибида ибтидоий одамларнинг қуроллар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган чақмоқтош қатламлари мавжуд. Бундан ташқари, қумтош, қуртқали тош жинслари ҳам кенг тарқалган бўлиб, водий ҳосилдор тупроқ қатламларига ҳам бой.

Зарафшон ботиғи майдони 29,2 минг м<sup>2</sup> дан иборат бўлиб, тўртламчи даврда Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап тоғли қирғоқлари келиб чиқиш жиҳатидан делювиал, проливиал ва аллювиал қатламлардан иборат. Зарафшон

дарёсининг Зирабулоқ тоғли ётиғи бошқа жойларга караганда пролювиал жинс ётқизигига бойроқ<sup>40</sup>.

Зарафшон водийсининг тўртламчи давр ётқизикларини ўрганишдаги айрим камчиликларга карамасдан Ю.А.Скворцов, Н.Т.Васильковский, Н.Т.Костенколарнинг Ўрта Осиё тўртламчи давр ётқизикларини ишлаб чиқилган схемадан ҳам фойдаланиш мумкин. Зарафшон ҳавзаси тўртламчи давр ётқизиклари схемасининг қиёсий стратиграфияси комплекси геолог Г.Ф.Тетюхин томонидан ишлаб чиқилган.<sup>41</sup> Зарафшон водийси тўртламчи давр ётқизиклар қайирларининг (терассалар) ташкил бўлиши ва ривожланишини ўрганишда олинган бу маълумотлар ўз навбатида, палеолит даври манзилгоҳларининг геологияси билан стратиграфик жиҳатдан анализ – таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Зарафшон водийсидаги палеолит ёдгорликлари асосан Тошкент (Карнаб) ва Мирзачўл (Суқай) қайирлари мажмуаси шароити таркибида жойлашган<sup>42</sup>.

Тошкент комплекси (O<sub>3</sub>) турли геологик қатламларга эга бўлиб, ўрта палеолит ёдгорликларидан Омонқўтон, Такалिसой, Зирабулоқ, Қўтирбулоқ каби манзилгоҳлар ётади ва юқори Мирзачўл (O<sub>3</sub>) ётқизик комплекси турли юпқа геологик қатламлардан иборат бўлиб, унинг таркибида Зарафшон водийси сўнгги палеолит маконлари бўлган Самарқанд, Сиёбча, Хўжамазгил каби ва бошқа манзилгоҳлар киради<sup>43</sup>.

Зарафшон водийсининг энг қадимги палеоэкологияси ва палеогеографиясини реконструкция ва тасаввур қилишда водий бўйича ўрганилган палеолит ёдгорликларидан топилган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси (фауна ва флора) муҳим манба ҳисобланади. Ўрганилган палеолит даври ғор типигади маконлар орасида Омонқўтон макони берган фауна илк ва ўрта палеолит даврида, Самарқанд сўнгги палеолит маконидан топилган

<sup>40</sup> Богачев Г.В. Район Зирабулакских гор. Геология УзССР, Т. II. –Ташкент, 1937, стр. 278.

<sup>41</sup> Тетюхин Г.Ф. Четвертичные отложения УзССР. –Сб. Основные проблемы по изучению четвертичного периода. –М., 1965.

<sup>42</sup> Ранов В.А., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. –Душанбе, 1973.

<sup>43</sup> Юрьев А.А. О возрасте терасс Р. Зарафшан ва связи с геолого-геоморфологическим изучением окрестностей пещеры Аманкутан. – Известия Всесоюзного географического общества. Т. 8., 1964, стр. 129; Ранов В.А., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия... стр. 90.

палеонтологик материаллар водийда сўнгги палеолит даврида водийнинг табиати, иқлим ва экологик шароити, ҳуллас, ўша қадимги даврларда бу ерда инсон яшаши учун бўлган экологик муҳитни аниқлашда муҳим манбадир.

Шу масалани эслатиб ўтиш лозимки, плейстоцен Ўрта Осиёда ҳозирги пайтгача муфассал ўрганилмаган. Кўплаб илмий ишлар эълон қилинганига қарамасдан, палеонтология, стратиграфия ва геохронология асосида бу давр тўлақонлигича ёритилмаган. Бу эса, ўз навбатида, санани белгиловчи қазилма топилмаларининг ҳамон камлиги, мутлақ санани белгиловчи ишларнинг етарли эмаслиги, конентал арид даври ичида ҳосил бўлган тоғ жинсларининг йиғиндисига хос бўлган, ётқизиқларда ўз аксини топган чўкиндилярнинг турли-туманлиги, бунинг натижасида плейстоценга оид қатламлар стратиграфиясининг тўлиқ эмаслиги билан изоҳланади.

Плейстоценнинг алоҳида бўлимлари (қатламлари) саналарини белгиланган, стратиграфияни ўрганишда замонавий усуллардан фойдаланган баъзи геологларнинг тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё соз тупроқ (лесс) формацияларининг (маълум бир давр ичида ҳосил бўлган ётқизиқ жинсларнинг йиғиндиси) қатламлари тузилиши ҳақида муфассал стратиграфия кесма чизмаларини олишга муваффақ бўлинди.

Зарафшон воҳаси учун ишлаб чиқилган барча чизмаларнинг заиф томони шундаки, уларда стратиграфик чизмаларни тузишда асосий эътибор ер юзаси тузилишига берилган. Чизмалар геоморфологик белгиларга (ер юзи тузилишига, терасса ва уларга боғлиқ бўлган плейстоцен ётқизиқларига) асосланиб тузилган.

Ҳозирги вақтда Зарафшоннинг биринчи ва учинчи терассаларигина ўз саналарига эга. Улардан бирининг санаси радиокарбон усули билан (Зарафшоннинг қуйи оқимидаги Учаши 130), иккинчисининг ётқизиқларда топилган бир даврга оид жониворлар суяклари қолдиқлари (фауна комплекси) ҳамда палеомагнит маълумотлари асосида белгиланган.

Ўрта Осиёнинг турли жойларида амалга оширилган археологик материаллар ва терасса комплексларини бир-бир солиштириб боғлаш

тажрибаси, айрим хатолар билан биргаликда, бу усулда анча муваффақиятли илмий хулосага эришилди<sup>44</sup>. Қолган терассаларга археологик маълумотлар асосида саналар белгиланган. Ўрта Зарафшон тоғли массивлари археологик ёдгорликлар геологияси ҳам М.Джўракулов, Э.Д.Мамедовлар томонидан ишлаб чиқилган<sup>45</sup>. Зарафшоннинг қадимги қуриб қолган ўзанлари Нурота тоғларидан то Амударёгача чўзилиб ётган ерларни эгаллаган кўп сонли, турли ёшдаги оқинди ётқизиклари конусларидан иборатдир. Унинг ҳудудлари ичида бир неча усти текис бўлган баландликлар – супа тоғлар – платолар (улар атрофидаги шу сингари жойлардан жарликлар билан ажралган), ён бағирларида қадимги ётқизиклари қолдиклари чиқиб, кўриниб қолган тепалик тизмалари мавжуд. Булар – жарликларда юқори плиоцен кум тошлари (Ақчагил) ва бирикмалари очилиб қолган Обтобачи супа тоғи; илк Зарафшоннинг қадимги ўзани текисликлари қолдиклари (микрофауна) асосида санаси қуйи плейстоцен деб топилган Учбош, Қорақир ва бошқа ясси тепаликлардир. Газли шаҳри яқинидаги воҳалар аллювиал – ўзан чўкмаларидан иборат бўлиб, Чорбақти ва Жусантепа тизма тепаликлари ўрта плейстоценга оид бўлиши мумкин. Ляхча ўзани уларнинг энг қадимгиси деб таҳлил қилинади. Бу ўзан ва эски дарёлар орасида шаклланиши жиҳатидан энг илк қадимгиси Эчкиликсой – Дарёсой шахобчаси, энг сўнгилари эса Бухоро ҳамда Қорақўл ўзанлари (дельталари) ҳисобланади. Ўзанларнинг шаклланишида юқори қисмига шамол кучли таъсир қилган кум, алмашиб кетма-кет келувчи майда кум ва кумтош, йирик шағал қатламлари иштирок этган. Дарёсой воҳасида тўшалган ётқизиклар кесмалари ва улар билан боғлиқ археологик ёдгорликлар янги технологик тадқиқот усулида ўрганиб чиқилди ва уларнинг санаси 6630-100 ва 6590+130 йилга тенг эканлиги аниқланди. Шулардан қизиқарлиси Учаши 131 илк неолит даври ётқизикларига эга эканлиги аниқланди. Эчкиликсой – Дарёсой шахобчасининг ётқизиклари комплекси стратиграфик жиҳатдан қадимги, илк ва ўрта голоценни

---

<sup>44</sup> Ранов В.А., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогенеза Средней Азии. Душанбе, 1973.

<sup>45</sup> Джуракулов М.Д., Мамедов Э.Д. Геология археологические памятников Зарафшанской долины. –Самарканд, 1986, стр. 15-17.

камраб олган. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, Оёқагитма чўкмасида янада қадимийроқ, асосан, мустъе даврига оид археологик топилмалар ҳам бор.

Эски ўзан кўл ва дельталарнинг Моҳандарё шахобчаси Зарафшон томонидан ўрта голоцен даври давомида шакллантирилган бўлиб, шахобчада сўнгги голоцен даврида ҳам вақти-вақти билан сув оқими такрорланиб турган. Я.Ғ.Ғуломов, Ў.Исломов, А.Аскарлов бу ўзан ва кўл қирғоқларидан 45 та неолит манзилгоҳлари ва 30 дан ортиқ бронза даври манзилгоҳларини топиб ўрганишдилар. Қоракўл ва Бухоро дельталарига келсак, уни шакллантираётган қумли гил ва қум қатламлари келиб чиқиши жиҳатидан ирригация – суғоришга боғлиқ бўлиб, унда кўмир, жонивор суяклари, сопол, ўрта аср ва янги давр ғишт парчалари учрайди<sup>46</sup>.

Голоцен (сўнгги 10-12 минг йилликни ўз ичига олган, “буюк музликдан” сўнгги давр), чўкмалари Зарафшон ҳавзасида муфассал равишда дарёнинг ўзан қисмида, шунингдек, қисман ўрта қисмида – Самарқанд чўкмасида ўрганилган. Дарёнинг қуйи оқимида голоценга Шарқий ва Ғарбий оёқагитма ўзанлари билан биргаликда Эчкиликсой – Дарёсой шахобчаси, Моҳандарё – Гўжайли, Бухоро ва ҳозирги пайтда шаклланаётган Қоракўл ўзанлари киради.

Зарафшон ҳавзасининг пастки этаklarини қоплаб ётган Қизилқум ҳудудлари одамзод томонидан илк плейстоценнинг биринчи ярмидан бошлаб ўзлаштирила борилиб, илк ва ўрта голоцен даврида ҳудуднинг барча жойлари ибтидоий жамоалар билан ўзлаштирилган. Жанубий-ғарбий Қизилқумнинг айрим жойларидан сўнгги плейстоценнинг охирларига доир илк мустъер даври ёдгорликлари топилиб ўрганилган. Бу даврда табиий иқлим шароит ҳали анча совуқ ва қуруқликдан иборат эди. Қизилқумда ёғингарчилик йилига 100 мм ни ташкил қилиб, ҳудуднинг қумлоқлашиши ва саҳрога айланишида шамол тезлиги катта роль ўйнаган. Шамол тезлиги бу ерда секундига 5-6 метрни ташкил қилади. Шунга қарамасдан, Қизилқум турли ўсимлик дунёсига бой. Бу ердан ҳозирги вақтда ўсимлик тури 1000 тадан ошади. Жанубий-ғарбий

---

<sup>46</sup> Гулямов Я.Ғ., Исламов У.И., Аскарлов А.А. Первобытная культуры в низовьях Зарафшана. –Ташкент, 1965.

Қизилқумда 556 та ўсимлик тури мавжуд<sup>47</sup>. Қизилқум ер юзи ландшафтининг шаклланишида сув ва шамол муҳим роль ўйнаган. Мил. авв. 10-12 минг йилликларда голоцен даври бошланади. Мил. авв. 10-9 минг йиллар аввал иссиқ ва қуруқ иқлим бошланади. Бу даврда мезолит жамоалари кенг ҳудудларни ўзлаштиради.

Зарафшоннинг эски ва Амударёнинг ўзанлари қирғоқлари бўйлаб неолит даври ёдгорликлари кенг тарқалган. Неолит даври ёдгорликлари ҳозирги саҳрога айланган чўллардан ҳам кўплаб топилган. Карақат, Лавлякан, Бешбулоқ, Мингбулоқ, Қўшбулоқ ботиклари чўллардан иборат бўлиб, одамзод жамоалари бу ерларни мезолит давридаёқ ўзлаштирганлар.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, Ўрта Осиёнинг дашт чўл минтақаларида неолит даврида яшаган жамоалар (жанубий-ғарбий Туркманистондан ташқари) ўзлаштирувчи хўжалик соҳиблари бўлиб, овчилик, балиқчилик ва термачилик билан ҳаёт кечирганлар. Бироқ манбаларнинг гувоҳлик беришича, мезолитнинг охирлари ва илк неолит даврининг охирларига келиб айрим жойларда ишлаб чиқаришнинг айрим куртаклари пайдо бўлади. Масалан, Зарафшон водийсининг ўрта ҳавзаси билан боғлиқ Қоратепа – Сазағон тоғи шимолий-шарқий қияларида яшаган неолит жамоалари зироатчилик ва уй чорвачилиги билан таниш бўлган.

Неолит даврида Қизилқум даштлик ва чўл минтақалари турли ҳайвонот дунёсига, жумладан, ўтхўр ҳайвонлар, паррандалар ва дарё, унинг ирмоқлари, кўллар балиқларга бой бўлган. Жонбос 4, Жонбос 32, Қават 7, Толстов макони, Тумен – Кичиджик, Учаши 131, Дарбозақир 1, Учтут каби 9 та археологик ёдгорликлардан турли хил ҳайвонот ва парранда дунёси қолдиқлари топилган. Масалан, Учаши 131 маконида буқа, қулон, тўнғиз, жайрон, қарсақ, Дарбозақир 1 дан жайрон, тулки, балиқ, Кичик Тузкон 2 дан от, жайрон, Учтутдан буқа, буғу, қулон, жайрон, дашт қўйи, майда кемирувчилар, Замонбободан буғу, жайрон, тўнғиз, тулки, уй ҳайвонларидан эчки, қўй, қорамол, эшак каби ҳайвонлар ва турли паррандалар суяк қолдиқлари топилганлиги бундан

---

<sup>47</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междурья. –М., 1981, стр. 17.

гувоҳлик беради<sup>48</sup>. Бу ҳайвонот дунёсининг кўпгина вакиллари ҳозирги вақтда ҳам бор.

Жанубий-ғарбий Қизилқум ва Қорақотин ботиғининг шарқий қисмида бир гуруҳ Лавлякон қўллари жойлашган бўлиб, бу атрофда 400 дан кўпроқ муқим ва вақтинчалик неолит даври маконлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилиги археологик топилмаларга бой. Маконлар одатда қўллар ёқаларида жойлашган бўлиб, паррандаларга овчилик ва балиқчилик учун жуда қулай жойлар бўлган. Лавлякон қўллари мажмуаси ҳудудларидан мустъер даврига доир қуроллар ҳам топилган. Бу ҳудудлар, қўллар атрофлари мил. авв. VII минг йиллик охирлари ва VI минг йилликларда одамзод жамоалари томонидан фаол ўзлаштирилган ва бу ерда ҳаёт мил. авв. III мингинчи йилларга қадар ҳукм сурган.

Қизилқум минтақалари голоцен даврида тўқайзор, жангалзорлар ва турли баргли ўсимликларга сероб бўлиб, бундай жойларда тўнғиз, буғу, қоплон каби ҳайвонлар яшаган. Қизилқумнинг даштлик ва тоғолди минтақаларида – дарё соҳилларида буқа, туя, қулон, жайрон, дашт қўйи каби ҳайвонлар яшаган бўлиб, уларнинг сўнгги вакиллари ҳам ҳозир тугаган.

Қизилқумда илк ва ўрта голоцен даврида ёввойи буқалар, қулонлар кенг тарқалган бўлиб, бу каби жониворлар одатда қурғоқчил минтақаларда яшаган. Қизилқум неолитида қўлга ўргатилган ит суяк қолдиқлари кўп учрайди. Қизилқумнинг қўллар ва дарё ирмоқлари билан боғлиқ жойларида балиқчилик анча яхши ривожланган. Археологик манбаларга қараганда, балиқ ови қармоқ сўнгги палеолит даврида кашф қилинган.

Зарафшон водийси Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашганлигидан иқлими континентал. Водий ғарбдан шарққа анча чўзилганлиги ва рельефининг баландлашиб бориши туфайли температура режими ва ёғингарчиликлари ҳар жойда турлича. Унинг текислик қисмида ўртача ҳарорат  $12-15\text{ }^{\circ}\text{C}$ , тоғли қисмида  $12-0,7\text{ }^{\circ}\text{C}$ . Ёз водийнинг текислик қисмида иссиқ ҳаво ва узоқ давом этади. Баъзан ҳарорат текислик қисмида  $44\text{ }^{\circ}\text{C}$  га, тоғли қисмида  $33\text{ }^{\circ}\text{C}$  га

---

<sup>48</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболвы Средеазиатского междурья. –М., 1981, стр. 139-140.

чиқади. Қиш водийнинг текислик қисмида анча илиқ. Энг паст темпратура 35 С<sup>0</sup>, йиллик ёғингарчилик 114-400 мм. Водийнинг асосий дарёси – Зарафшон. Кўллардан энг йириги – Дингизкўл. Водий ботикда жойлашганлиги сабабли ер ости сувларига сероб.

Водийда тупроқ ва ўсимлик қоплами баландлик минтақаларни ҳосил қилган. Водийнинг энг пастки 400-500 метр баландликкача бўлган ерлари чўл минтақасига киради. Чўл минтақасидан сўнг адирлар бошланиб, баландлиги 500 метрдан 1200 метргача бўлган ерларни ўз ичига олади. Бу ерларда типик ва тўқ тусли бўз тупроқ тарқалган. Водийнинг 1200 метрдан 2700 метргача бўлган қисми тоғ минтақасидан иборат бўлиб, бу ерларда жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари учрайди. Водийнинг 2700 метрдан баланд қисми яйлов минтақасидан иборат, тупроғи жигарранг. Зарафшон водийси турли ресурсларга, айниқса, палеометаллга бой минтақа.

Зарафшон водийсининг қулай табиий жўғрофик ва экологик шароити маъқуллиги туфайли одамзод бу ерларни анча эрта – ўрта палеолит давридан бошлаб ўзлаштирганлиги ва узлуксиз, пешма-пеш тараққиёт содир бўлганлиги археологик тадқиқотлар натижалари туфайли исботланган<sup>49</sup>.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, плейстоцен – катта музлик даври Ўрта Осиёда ҳозирги пайтгача ҳам муфассал ўрганилмаган. Кўплаб илмий ишлар эълон қилинганлигига қарамасдан, палеонтология, стратиграфия ва геохронология асосида бу давр тўлақонлигича ёритилмаган. Бу эса ўз навбатида, санани белгиловчи қазилма топилмаларнинг етарлича эмаслиги, мутлақ санани белгиловчи ишларнинг камчилиги, континентал арид даври ичида ҳосил бўлган тоғ жинсларининг йиғиндисига хос бўлган чўкиндиларнинг турли-туманлиги, бунинг натижасида плейстоценга оид қатламлар стратиграфиясининг тўлиқ эмаслиги билан изоҳланади.

Тўғри, плейстоценнинг алоҳида бўлимлари (қатламлари) саналарини белгиланган, стратиграфияни ўрганишда замонавий усуллардан фойдаланган баъзи геологларнинг тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё соз тупроқ (лесс)

---

<sup>49</sup> Ташкенбаев Н.Х., Сулейманов Р.Х. Культура древнекаменного века долины Зарафшана. –Т., 1980.

формацияларининг, яъни маълум бир давр ичида ҳосил бўлган ётқизик жинслар қатламлари тузилиши ҳақида муфассал стратиграфия кесма чизмаларини олишга муваффақ бўлинди. Жумладан, бир-бирига солиштириб боғлаш тажрибаси, айрим камчиликлардан қатъий назар бу усулда анча муваффақиятли илмий ютуқларга эришиш мумкинлигини ҳам кўрсатди.<sup>50</sup> Қолган терассаларга археологик маълумотлар асосида саналар белгиланган, яъни кўп жиҳатдан бу саналар ҳам шартлидир. Маълумки, бу тарқоқ маълумотлар ҳам катта қимматга эга бўлиб, у плейстоценнинг ягона ва маҳаллий шкалаларини ишончлироқ равишда бир-бирига солиштиришга имкон беради. Шунини қайд этиш ўринлики, 1985-1986-йилларда Қорадарё ҳавзасида ва Самарқанд шаҳридан жанубий-ғарбга чўзилиб кетган Қоратепа сойларида дарё терассалари ва уларни ташкил қилувчи ётқизикларнинг методологияси (тоғ жинслари ётқизикларининг таркиби, тузилиши, қатламлар жойлашиши тартиби) қўшимча равишда ўрганилди<sup>51</sup>.

Хуллас, Зарафшон водийси одамзоднинг илк палеолит давридан бошлаб қўним топган тарихий ҳавза бўлиб, бундан аввал 350-200 минг йилларда ҳам одамзод яшаши учун керакли табиий ва иқлим экологик шароитига эга бўлган. Водий турли табиий ресурсларга бой бўлганлиги бу ерда илк цивилизациянинг анча эрта томир отишига муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Палеолит, мезолит, неолит, энеолит ва жез даврига доир археологик ва палеонтологик манбаларнинг сероблиги, водийда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт меросий пешма-пеш узлуксиз ривожланишда тараққий этиб, металлургиянинг, унинг базасида суғорма деҳқончиликнинг ривож топиш омиллари водийда илк цивилизациянинг шаклланишига олиб келди. Демак, Зарафшон водийси цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири эканлиги исботланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу рисолада мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, унинг манбавий

---

<sup>50</sup> Ранов В.А., Несмянов С.А. Палеолит и стратиграфия... 1973.

<sup>51</sup> Джуракулов М.Д., Мамедов Э.Д. Геология археологические памятников Зарафшанской долины. —Самарканд, 1986.

асослари, илмий янгиликлари ҳақида қисқача маълумотлар беришга ҳаракат қилинди.

## **II Боб. Зарафшон водийсининг тош даври археологик ёдгорликлари**

### **II.1. Қадимги тош даври ёдгорликлари**

Зарафшон водийсининг қадимги тош даври ёдгорликлари Зарафшон водийсида турли йилларда олиб борилган археологик изланишлар давомида Омонқўтон, Такаликсой, Гўрдара, Зирабулоқ, Қўтирбулоқ, Қизилнура-1 каби мустъе даври ёдгорликлари, Учтут ва Ижонд мустъе даври тош устахоналари топиб ўрганилганлиги, яъни Зарафшон водийси ибтидоий аجدодлар томонидан илк бор ўрта палеолит даврида ўзлаштирилганлигидан гувоҳлик беради.

У жойлардан топилган ғорларни (Омонқўтон, Такаликсой, Гўрдара), Зирабулоқ, Қўтирбулоқ маконларини қазиб вақтида қадимги тош даврининг ўрта палеолит босқичига доир кўплаб меҳнат қуроллари ва аجدодлар ов ўлжаси сифатида истеъмол қилган ёввойи ҳайвон суяқларининг қолдиқлари топиб ўрганилган. Шунингдек, тошдан ишланган меҳнат қуролларининг классификацияси, ёдгорликлар стратиграфияси билан боғлиқ ҳолда, уларнинг типларга ва типлисларга ажратиб, теварак-атроф минтақалар палеолит даври ёдгорликлари билан қиёсий-типологик услубий таҳлили асосида у давр аҳолисининг ҳўжалик ҳаёти ва кундалик турмуш тарзи ҳақида илмий ҳулосаларга келинган.

Юқори палеолит даврига келганда, қадимги тош даври одамлари нафақат Зарафшон водийсининг тоғ олди ва адирли минтақалари, балки воҳа доирасидаги адирсимон табиий тепаликларни ёриб ўтган сой бўйларида, улар ҳосил қилган кўл ёқаларида ҳам макон топганлар. Дарҳақиқат, ўлкада олиб борилган археологик изланишлар юқори палеолит даврида Зарафшон водийси янада кенгроқ ўзлаштирилганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу даврга тегишли воҳада ўрганилган ноёб ёдгорлик Самарқанд юқори палеолит даври манзилгоҳи бўлиб, кўп йиллик стационар тадқиқотлар натижасида ёдгорликнинг уч горизонтли маданий қатламларидан жуда бой ноёб археологик комплекс

олинди. Ёдгорликдан топилган археологик комплекслар таҳлиliga кўра, ушбу объект Ғарбий Оврупанинг классик юқори палеолит даври ёдгорликларига ўхшамайди. Унинг меҳнат қуроллари комплексида архаик элементлар ҳамда илк мезолит даври қуролларига хос баъзи бир ўхшашликлар бор. Бундай ҳолат сибирь-хитой минтақалари комплексларига хос бўлиб, уларни ҳатто Ўрта Осиёда мезолит даври ёдгорликларида ҳам кузатиш мумкин.

Самарқанд юқори палеолит даври ёдгорлигининг яна бир муҳим жиҳати борки, қазиш вақтида унинг қуйи қатламидан Ўрта Осиёда илк бор одам суяк қолдиқлари топилган. 1962 йилда 25-30 ёшлар чамаси аёл кишининг 9 та тиши билан пастки жағ суяги ва етимча қовурғаси, 1966 йилда 30-35 ёшлар чамаси эркак кишининг 10 та тиши билан жағ суяги топилган. Антропологлар В.В.Гинзбург ва И.И.Гохман хулосасига кўра, бу суяклар одамзоднинг *Homo sapiens* типига тегишли бўлган.

Юқорида келтирилган археологик тадқиқот натижаларига қисқа якун ясаб айтиш мумкинки, бу давр одамларининг маданий излари водийнинг пасттекислик туманлари оралаб ўтган сой бўйларида ҳам учрайди. Энди улар сой ёқаларида ярим ертўла типигаги чайлаларда жамоа-жамоа бўлиб яшай бошлайдилар. Тадқиқот натижаларига кўра, бу ўлкада ибтидоий одамзод аждодларининг ўрта ва юқори палеолит даври ҳаётини характерловчи 20 дан ортиқ пунктлардан ёдгорликлар топиб ўрганилдики, булар Зарафшон водийси узоқ ўтмишининг чуқур тарихий илдизидан далолат беради.

## **II. 2. Сазағон маданияти ёдгорликлари**

Зарафшон водийсининг жанубий-ғарбий томондан ўраб олган Қоратепа тоғ массивининг Сазағон сой терассаларида мезолит давридан эътиборан, асосан неолит даврида макон топган уруғ жамоалари ва уларнинг меҳнат фаолияти ҳамда кундалик турмуш тарзидан далолат берувчи археологик комплекслар ўрганилган.

Палеоботаника илмий изланишларига кўра, Қоратепа массиви туманлари, айниқса, Сазағонсой водийси ўз вақтида ўрмон билан қопланган, овчилик

хўжалиги учун жуда қулай жой бўлган. Ушбу водий ўзига хос табиий-географик қулайликларига кўра, нафақат мезолит ва неолит даврларида аждодлар эътиборини ўзига тортган, балки энеолит ва бронза, илк темир ва антик, ҳатто кишилик тарихининг кейинги босқичларида ҳам маълум бир гуруҳ жамоаларининг лалмикор деҳқон ва чорвадорлар макони бўлиб келганлигидан археологик материаллар гувоҳлик беради. Аммо бу ердан топилган ёдгорликларнинг бирортасида ҳам маданий қатламлар айтирли даражада сақланмаган. Улар кейинги тарихий даврлар билан боғлиқ инсон фаолияти туфайли бузилиб кетган. Шу боис ҳар хил давр материаллари бир-бирларига аралашиб кетган. Агарда маданий қатлам ер сатҳидан қанчалар чуқурроқда жойлашган бўлса, у ҳолда қуйи қатлам материалларини *In situ*да учратиш мумкин. Бироқ бундай ҳолатлар Сазағон маданияти ёдгорликларида жуда кам учрайдиган воқийликдир.

Сазағон водийси музофотидан ўрта ва янги тош даврига оид 4 та манзилгоҳлар очиб ўрганилган. Улар Сазағон 1, Сазағон II, Жангал 1, Тепақўл-3 манзилгоҳлари бўлиб, уларда таркиб топган маданий қатламларнинг юқори горизонтлари ҳар йилги экин-текинлар туфайли бузилиб кетган. Тадқиқотчи археологлар М.Жўракулов ва Н.Холматовларнинг таъкидлашича, Сазағон 1 ва II манзилгоҳларида, улар кўп қатламли ёдгорликлар бўлишига қарамай, уларда маданий қатлам қўзғатилмаган ҳолатда учрамайди. Жангал 1 манзилгоҳида эса қуйи қатламнинг пастки қисми *In situ*да ва Тепақўл 3 да эса маданий қатлам қалин бўлган (2,5 м дан кам эмас), унинг яқин 1 метрли қуйи қатлами бузилмаган ва жуда яхши сақланган.

Сазағон 1 манзилгоҳида тош қуроллар комплекси микропластинкалар характериға эға. Шундай характердаги тош қуроллар Марказий Фарғона мезолит ва неолит ёдгорликларига хос бўлиб, улар “Ҳисор” маданияти неолит тош қуролларидан тубдан фарқ қилади. Сазағон маданияти ёдгорликларининг қолганларида неолит даври тош индустрияси билан биргаликда Калтаминор маданияти керамикасини эслатувчи сопол парчалари ҳам учрайди. Айниқса,

бундай ҳолат Жангал-1 ва Тепакул-3 манзилгоҳларининг қўзғатилмаган қуйи қатламларида яхши кузатилади.

Тепакул манзилгоҳида қўзғатилмаган маданий қатлам устида бир неча сопол парчалари учратилиб, улар сопол лойининг таркиби, сопол юзасидаги нақшлар ва терматехника даражасига кўра, тухумсимон шаклдаги неолит даври сополларидан тубдан фарқ қилади. Сопол нақшлари босма нуқталардан тошқил топган учбурчак шаклида, керамика лойига майдаланган сопол кукуни ёки ўсимлик кули аралаштирилганлиги туфайли сопол синиғининг кесмаси яхлит эмас, балки қатлам-қатлам хусусиятга эга. Бундай сополлар Сазағон ёдгорликларининг маълум қатламлари энеолит даврига тегишли эканлигидан гувоҳлик беради. Айнан шунга ўхшаш сополлар учбурчакли нақшлар билан энеолит даврига оид Калтаминор маданиятининг Катта Тузкон 30 ва 35, Каптарни куми 4, 5, 7 манзилгоҳларида учратилади. Шунингдек, бу манзилгоҳларда мис, бигиз ва металлдан ишланган меҳнат қуроллари парчаларидан ташқари бодомсимон тош пайконлар, қистирма тош пичоқ ва бошқалар ҳам топилган.

Сазағон маданияти тош даври ёдгорликлари орасида Тепакул манзилгоҳи 1 метрга яқин қуйи қатламнинг сақланиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Тепакулда кенг кўламли стратиграфик характердаги стационар қазилмалар ўтказиш керак. Чунки у кўп маданий қатламли ёдгорлик бўлиб, археологик тадқиқотларнинг энг зарур бош масаласи – стратиграфия муаммосининг ечимини топишда Сазағон маданияти учун истикболли объектдир.

### **II.3. Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида Калтаминор маданияти ёдгорликлари**

Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида Я.Ғ.Ғуломов 1950 йилларда археологик кузатув ўтказиб, унинг қадимги ўзани Моҳондарё ҳосил қилган қўллар соҳилидан, бир неча нуқталарда, неолит даврига тегишли тош қуроллари ва сопол парчаларини учратади. Топилмалар шунчалар кўп ва ноёб эдики, улар Қадимги Хоразмда С.П.Толстов ўрганган калтаминор маданияти комплексини

эслатарди. 1950-йилларнинг охирларида уларни синчиклаб ўрганиб, илмий муомалага киритиш вазифаси аспирант Ў.Исломов зиммасига юклатилади.

1958-1963-йиллар давомида Ў.Исломов атроф маҳаллий аҳоли орасида Катта Тузкон, Кичик Тузкон, Қоранги шўр, Эчки Қирон номлари билан аталувчи шўрҳок кўл соҳилларидан 100 га яқин неолит даврига тегишли мавсумий манзилгоҳларни топиб ўрганади. Шундай изланишлар Қашқадарёнинг қуйи ҳавзаларида, унинг Қоракўл воҳаси билан туташиб кетган Пайкент, Қумсултон ва Каптарни куми туманларида ҳам олиб борилиб, ўнлаб неолит даврига тегишли мавсумий манзилгоҳлар топиб ўрганилди. Улар орасида кўл ёқаси бўйлаб чўзилган табиий қирлик туфайли Қизилқум шамоли маданий қатламини учуриб улгурмаган Дарбозақир 1 ва Дарбозақир 2 манзилгоҳлари ҳам мавжуд бўлиб, улар Қуйи Зарафшон неолит даври ёдгорликларини стратиграфик жиҳатдан ўрганишда таянч объектлар сифатида хизмат қилади.

Дарбозақир 1 манзилгоҳида учта маданий қатлам борлиги аниқланган. Унинг остида қалин тақир очилиб, ўчоқ ўринлари ва тўғри тўрт бурчак (7x11, 6 метр) шаклида кулба қолдиғи учратилади. Тадқиқотчи Ў.Исломовнинг таъкидлашича, кулба чайла шаклида бўлиб, унга ёғоч каркасларининг тақирга ўйиб ўрнатилган чуқурчалари сақланган. Уларнинг ичи тим қора тупроқ аралаш қумга тўлган. Бир-бирлари билан симметрик тартибда ўйилган бу чуқурчалар икки қатор бўлиб, улар бири иккинчисининг ичига жойлаштирилган иккита тўғри бурчакни эслатади<sup>52</sup>. Чайла поли тозалангач, унинг марказий қисмида иккита чайла томининг таянч устунлари очилди. Муаллифнинг таъкидлашича, ўчоқлар худди Жонбос 4 чайласи сингари чайла ичида эмас, балки унинг ташқарисида, чайланинг шимолий-ғарбий бурчагида жойлашган. Чайланинг жанубида яна 5 жойда гулхан излари учратилган.

Қуйи Зарафшон неолит жамоаларининг яхши сақланган яна бир мавсумий манзилгоҳи Дарбозақир II бўлиб, унда олиб борилган стационар

---

<sup>52</sup> Гулямов Я.Г., Исломов У., Аскаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. -Ташкент, 1966, -С.29, рис 9.

қазишмалар туфайли қум остидан қалинлиги 30 см га яқин маданий қатлам очилган. Қазилма майдонида куйган қум-ўчоқ излари кўп бўлиб, уларнинг сони 22 тага боради.

Археологик қазишмалар ўтказилган Дарбозақир манзилгоҳлари ва бошқа 100 га яқин мавсумий манзилгоҳлардан топилган сифатли чакмоқтошдан ясалган меҳнат қуроллари ва сопол парчалари тадқиқотчи Ў.Исломов томонидан типларга ажратилиб, ишланиш техникасидан то функционал вазифасигача аниқлаган, сополларнинг шакли ва улар сиртига ишланган нақшларни синчиклаб ўрганиб, уларни бошқа минтақа ёдгорликларининг комплекслари билан қиёсий солиштириб, Қуйи Зарафшоннинг Дарбозақир типдаги ёдгорликлари Қадимги Хоразмда илк бор топиб ўрганилган Калтаминор маданияти туркумига киришини илмий асослади ва улар Калтаминор маданиятининг Жонбос 4 босқичи билан замондош эканлигини исботлади. Шунингдек, Дарбозақир II манзилгоҳи тош қуроллари орасида микролит характеридаги пластинкаларнинг кўплиги жиҳатидан Зарафшон қуйи ҳавзасида ўрганилган Калтаминор маданияти объектлари орасида энг қадимийси бўлса керак, деган хулосага келинди<sup>53</sup>.

#### **II.4. Учтут устахоналари ва неолит даври шахталари**

Бунда тош даври одамларининг меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда сифатли хомашё қидириб, уни Қоратов тизмасининг Воуш тоғи жанубий ёнбағирларидан топилиши билан боғлиқ техникавий кашфиётлари ҳақида гап боради. Дарҳақиқат, XX асрнинг 50-йиллари охирида археологлар Х.Муҳаммедов ва М.Р.Қосимовлар томонидан очилган бу ёдгорликлар қадимги тош даврининг сўнгги босқичларига оид тош устахоналари ва Учтут шахталаридан иборат бўлиб,<sup>54</sup> М.Р.Қосимовнинг хулосасига кўра, Учтут тош устахонаси узок даврлар давомида ўрта ва юқори палеолит, мезолит даври

<sup>53</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. -Ташкент, 1966, -С.43, рис 2.

<sup>54</sup> Қасимов М.Р. Кремнёвая мастерская у кишлака Учтут в районе горы Каратау Бухарской области // «Научные работы и сообщения. Кн. №6. -Ташкент, 1963.

усталарининг бирламчи қурол яшаш макони бўлган. Бу устахона ёнгинасидан М.Р.Қосимов томонидан неолит даври шахталари топилган. Кейинчалик шахта қазилариш ишларига археолог Т.Мирсаатов қўшилди. Уларнинг Учтут шахталарини ўрганишга бағишланган асарларида<sup>55</sup> 38 та неолит шахталари ўрганилиб, улар ҳайвон шохларидан ясалган қуроллар ёрдамида қазилганлиги баён этилади. Устахона ва шахталардан топилган меҳнат қуролларининг шакли ва шамолли, ишланиш техникасига кўра, улар тош даврининг тўрт хронологик босқичларига (мустье, юқори палеолит, мезолит ва неолит) тегишли эканлиги аниқланади<sup>56</sup>.

Қадимги аجدодлар меҳнат қуроллари яшашда дастлаб Қоратовнинг юқори қисмидаги чакмоқтош қатламидан турли табиий сабаблар таъсирида ерга уқаланиб тушган ва ер юзасида сочилиб ётган чакмоқтош парчаларидан фойдаланган бўлсалар, хомашё олишликнинг иккинчи босқичида, энди уни ер юзасидан эмас, балки ер қатлами остида ётган чакмоқтошдан тош болғалар ёрдамида кўчириб оладилар. Чунки нам қўрилган тошдан қурол яшаш анча енгил кечади. Хомашё олишликнинг учинчи босқичида аجدодлар шахта йўли билан бир неча марта қалинликдаги саз тупроқ остида ётган чакмоқтош хомашёсини қазилмалар ўтказиш йўли билан тин тупроқ жинсдан кўчириб оладилар. Ер қазилариш ишларида эса тош болғалардан ташқари ҳайвон шохлари ва дўнала ёғочидан ишланган қуроллар ёрдамида бажарилган. Бу ҳақида қазилма майдонларидан топилган ёғоч ва шох “қирка”ларнинг қолдиқлари ва шахта деворида сақланиб қолган қурол излари далолат беради.

Шундай қилиб, Зарафшон водийсининг Навоий вилояти Учтут ва Ижонд қишлоқлари яқинида олиб қўрилган археологик изланишлар давомида ибтидоий аجدодларимиз тарихида янги соҳа — тоғ саноати билан боғлиқ қашфиёт қилинди ва бу ҳодиса фан оламига Учтут шахталари номи билан

---

<sup>55</sup> Қасимов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века в Средней Азии. -Ташкент, 1972; Мирсаатов Т. Древние шахты Учтута. -Ташкент, 1963; Еро же. Горные разработки в эпоху камня. -Ташкент, 1977; Еро же. Хозяйство охотничье-рыболовецких племен Среднеазиатского междуречья поры мезолита и неолита (источники сырья, эволюция способов его добычи и хозяйственные комплексы) // Автореф. докторской диссертации. -Новосибирск, 1989.

<sup>56</sup> Мирсаатов Т. Хозяйство охотничье-рыболовецких племен.... -С. 16-17.

кирди. Учтут шахталарини ўрганиш “неолит инқилоби” билан боғлиқ инсоният тарихида, унинг кундалик ҳаётида илк бор таркиб топган кашфиётлардан бири бўлиб, айнан шу даврдан бошлаб аجدодларимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлады. Учтут шахталарини ўрганиш жараёнида аجدодлар ҳаётида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотининг илк куртаклари неолит давридан бошлаб ниш ура бошлайди. Бу Ўрта Осиё халқлари ўтмиш тарихида юз берган инқилобий ҳодиса бўлиб, унинг жаҳон тарихи ва цивилизациясига қўшган улкан хиссаларининг дебочаси эди.

### **III Боб. Зарафшон водийсининг энеолит ва жез даври ёдгорликлари**

Бу сатрларда биз икки туркум қабилалар маданиятига тегишли ёдгорликлар тавсифи ҳақида фикр юритамиз. Биринчи туркум-ёдгорликлар хўжалик юритиш асосига кўра, асосан қадимги деҳқончилик маданияти қабилаларининг ёдгорликлари бўлса, иккинчи туркум-ёдгорликлар иқтисодий-хўжалик ҳаёти асосан чорвачилик негизига қурилган дашт қабилалари маданиятига тегишлидир. Уларнинг ҳар иккиси иқтисодий-хўжалик асосига кўра, Зарафшон водийсининг табиий-географик шароити тақозо этган туманларга жойлашган. Биринчи туркум ёдгорликларга Зарафшон водийсининг юқори ҳавзасида топиб ўрганилган *Саразм ёдгорликлар комплекси* киради.

#### **III.1. Саразм ёдгорликлар комплекси**

Саразм ёдгорликлар комплекси водийнинг энеолит ва илк бронза даври қадимги деҳқончилик қабилаларининг маданиятидир<sup>57</sup>. Ушбу маданият юзасидан олиб борилган археологик изланишлар натижаларига кўра, қадимги Саразмда аҳоли ҳаётининг 4 тарихий босқичи аниқланган, ҳар бир босқичда юз берган туб социал-иқтисодий ўзгаришлар кузатилган.

Саразм 1 даврида (сўнгги энеолит) бу жойда янги этник гуруҳ қишлоғи пайдо бўлади, уй-жой комплекслари ярим айлана мудофаа девори билан ўраб олинади. Бу даврга оид энг муҳим топилмалардан бири Саразмда ўрганилган

---

<sup>57</sup> Исаков А. Саразм. (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины). - Душанбе, 1991.

уруғ жамоаси сардорининг хилхонаси бўлиб, у Жанубий Сибирнинг Афанасьева маданияти хилхоналари сингари доира шаклидаги тош ғов билан ўраб олинган. Хилхонанинг марказий мозори аёл кишига тегишли бўлиб, у ердан топилган ашёвий далиллар мазор эгаси уруғ жамоасининг сардори эканлигидан гувоҳлик беради.

Саразм II (илк бронза) – Саразм маданиятининг шаклланиш даври. Бу даврда қишлоқ кенгаяди, алоҳида қурилган кўп хонали ҳовлилар, улар таркибида доира шаклидаги алтарли оилавий ибодатхоналар, қишлоқ марказида монументал ибодатхона қад кўтаради. Уй-жой комплекслари таркибида тўқимачилик хунармандчилигига мослаштирилган хоналар пайдо бўлади. Меъморий комплекс бурчакларини тўрт қиррали устунлар билан безаш бошланади. Полихром нақшли сополлар камайиб, монохром нақшли сополлар кўпаяди. Керамика комплекси таркибида Калтаминор маданиятига тегишли парчалар учрай бошлайди. Демак, бу Саразм маданиятининг шаклланишида маҳаллий аҳолининг иштироқи борлигидан далолат беради<sup>58</sup>. Саразмликларнинг ташқи алоқалари доираси кенгаяди (Белужистон-Кветта, Сеистон-Шаҳри-Сохта). Зарафшон тоғ конларидан руда қазиб олиш ва уни эритиб металл олиш юксак даражада ривожланади.

Саразм III даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ўзининг юксак чўққисига кўтарилади. Саразмнинг 100 гектарга яқин майдони уй-жой қурилиши ва хунармандчилик кварталлари билан қопланади. Хунармандчилик соҳасида ихтисослашув юз беради. Кулолчилик дастгоҳи пайдо бўлади. Қорамтир қизғиш ангоб билан пардозланган қора ва кулранг сополлар кескин камаяди, уларнинг ўрнини тиниқ қизғиш ва қизил ангобли сополлар эгаллайди. Бу хилдаги топилмалар илк Номозгоҳ VI даврига характерли бўлиб, бундай услубда сопол ишлаб чиқариш Сополлитепа идишлари учун ҳам характерлидир.

Саразмда баланд платформалар устида диний ва дунёвий характердаги монументал бинолар пайдо бўлади. Масалан, Саразмнинг III – қазилма

---

<sup>58</sup> Исаков А. Саразм. ... Рис. 26.

худудида 225 кв. метр майдонни эгаллаган 70 см баландликдаги платформа устида 12 та хонани ўз ичига олган яхлит квадрат шаклида монументал бино қад кўтаради. Унинг марказий хонасида айлана шаклида алтар топилган. Ушбу монументал комплекс Саразм III даври қишлоқ (Авестода вис) жамоаси сардорининг қароргоҳи бўлганлигига шубҳа йўқ. Бу даврга келиб, Саразм металлургия марказининг довуғи жанубий ва шимолий минтақалар жамоаларига бориб етади. Натижада Саразм метали дастлаб жанубий минтақаларга, қадимги деҳқончилик маданияти жамоалари дунёсигача кириб боради. Бу ҳақида Панжикент яқинидан Зарча Ҳалифа деб аталган жойдан Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига тегишли савдогар мазорининг топилиши таҳсинга сазовордир<sup>59</sup>. Айнан шу типдаги бошқа бир қабри Жом савдо факторияси қошидаги Галашерик қабристонида топилиши фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Саразм IV даврида кўчманчи чорвадор орийларнинг жанубга миграцияси туфайли Саразмда шаклланаётган илк шаҳар ҳаёти инқирозга юз тутди. Саразмликлар иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган тоғ кон саноати, руда конларига эгалик қилиш орий қабилалари қўлига ўтиб, Саразмнинг туб жой аҳолиси водий бўйлаб тарқалиб кетади. Саразм харобалари чорвадорларнинг муқим ҳаёт тарзига юз тутган табақалари масканига айланади. Саразмнинг энг юқори қатламига тегишли чуқурчалардан оч қизил рангли нақшли сопол парчаларининг топилиши бундан далолат беради.

### **III.2. Қадимги деҳқончилик маданияти. Кўктепа**

Милоддан аввалги II-минг йиллик ўрталарида Саразмда юз берган сиёсий ва иқтисодий инқироздан сўнг Зарафшон водийсида илк бор қад кўтарган *қадимги деҳқончилик маданиятига тегишли ёдгорлик Кўктепа бўлди*. У Самарқанд вилоятининг Батрок ва Чандир қишлоқлари оралиғидан 1988 йилда топилди. Ёдгорлик деярли квадрат шаклида бўлиб, майдони 23 гектар. Унинг

---

<sup>59</sup> Бобомуллаев С. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зарафшане. «Stratum», Санкт-Петербург, 1999, стр. 307-313.

микротопографиясида қадимги шаҳарни ўраб олган мудофаа чизиклари, дарбоза ўринлари, қалъа марказига жойлашган бош оташгоҳ ўрни, ёдгорликнинг жанубий-шарқда шаҳар қалъасининг ўрни яққол кўзга ташланади. Бу ерда олиб борилган кенг кўламли стационар казишмалар ва унинг турли жойларида солинган стратиграфик шурфлар ёдгорликнинг тарихий топографияси ва шаҳар ички таркиби ҳақидаги кузатувларни тасдиқлади<sup>60</sup>.

Бу ерда олиб борилган стратиграфик кузатувга кўра, Кўктепа уч тарихий даврни босиб ўтган. Унинг қуйи қатламидан (Кўк I босқичидан) оч қизил ангоб билан пардозланган қорамтир рангда содда нақш берилган сопол парчалари ва бронзадан ишланган турли меҳнат қуроллари топилган. Археологик комплекснинг характерли намуналари кўлда ясалган ранги нақшли сополлардан ташқари, тош ва бронзадан ишланган ўроқлар, бир тиғли бронза пичоқлари, икки парракли зўғатали бронза пайканлари, от сувлиғидан иборат. Аҳолиси бу даврда саразмликлар каби монументал меъморчилик анъаналарини билмайди, қадимги Фарғонанинг Чуст маданиятига хос ярим ертўлаларда истиқомат қилишган.

Ёдгорликнинг Кўк II босқичида Кўктепада илк шаҳар ҳаёти бошланади. Шаҳар атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинади, “дев ғиштлар” ва пахса блоклардан ташкил топган платформа устида ижтимоий-сиёсий ва зардуштийлик диний характеридаги монументал ибодатхона ва шаҳар ҳокимининг қароргоҳи қад кўтаради. Тадқиқотчи археологларнинг ҳулосаларига кўра, бу давр моддий маданиятида Саразм маданиятига хос меъморий анъаналар тикланади ва у ўзининг юксак босқичига кўтарилади. Ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари қадимги шарқ цивилизацияси анъаналари асосида ривожланишда давом этади. Айниқса, кулолчиликда туб сифат ўзгаришлар юз бериб, унинг маҳсулотлари бозоргир, рақобатбардош товар характерини олади.

Хуллас, Кўктепа тўла қонли шаҳар бўлиб шаклланади. Унинг атрофи икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олиниши, девор ташқарисида кенг

---

<sup>60</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. -Ташкент, 2002.

хандак изларининг сақланиши, Кўктепа I қатламлари устида шаҳар ҳокимининг қасрининг қад кўтарилиши ва унинг теварак-атрофи ҳам қалин муҳофаа деворлари билан ўралиб, қасрга шаҳарнинг жанубий дарвозаси томонидан пандус орқали кириб бориши, шунингдек, шаҳар марказида диний монументал ибодатхонанинг таркиб топиши, яъни буларнинг ҳаммаси Кўктепа нафақат шаҳар-давлат ҳокимиятининг, балки илк Суғд ихшидларининг пойтахти, резиденцияси бўлганлигидан гувоҳлик беради. Кўктепа II тарихий босқичи Зарафшон водийси шаҳар маданияти тарихида археолог М.Х.Исомиддиновнинг тадқиқотлари туфайли қадимги суғд даври бўлиб, фанда асосли ўз ўрнини топади. Ҳозирги кунда Кўктепа II даври маданий қатламлари Зарафшон водийсининг Афросиёб шаҳар харобасининг қуйи қатламларида, Лолазор, Хўжабустон каби ёдгорликларида топиб ўрганилган. Демак, илк темир даврига келганда қадимги шаҳарсозлик маданияти Зарафшон водийси бўйлаб кенг тарқалади.

Кўктепа III босқичи бу ерда топилган археологик материаллар таҳлилига кўра антик давр билан характерланади. Бу даврда Зарафшон водийсида шаҳар маданияти гуллаб-яшнади, юзлаб қатор катта-кичик хажмдаги шаҳарлар қад кўтаради.

### **III.3. Замонбобо маданияти**

Зарафшон водийсида ўрганилган энеолит ва бронза даврига доир иккинчи туркум ёдгорликлар чорвадор қабилалари маданияти билан боғлиқ бўлиб, уларнинг водий ҳудудидаги энг қадимийси *Замонбобо маданияти*дир.

Замонбобо маданиятига тегишли биринчи ёдгорлик 1950 йилда Я.Ғ.Ғуломов томонидан Бухоро воҳасининг Зарафшон дарёси қуйи ҳавзасида шу номли кўлнинг шимолий соҳилидан топилган. 1950-1953 йилларда Я.Ғ.Ғуломов тақирлик остида 41 та қабр топиб ўрганади ва бу қадимги қабристон энеолит ва бронза даври хонаки чорвачилик ва мотиға деҳқончилиги билан шуғулланувчи дашт қабилаларининг маданиятига тегишли эканлигини

айтади<sup>61</sup>. 1950-йилларнинг охирида ёдгорликда археологик тадқиқот ишларини давом эттириш ва замонбоболиларнинг турар-жой манзилини ўрганиб, ўша давр тарихини тиклаш муаммосини шогирди археолог А.Асқаровга топширади. А.Асқаров қабристон майдонидан яна 5 та мазор топади ва икки жойдан шу маданиятга тегишли манзилгоҳларни топиб ўрганади.

Биринчи манзилгоҳ Замонбобо қўли яқинида, Гужайли ўзани соҳилида, баланд қир остидан топилган. Манзилгоҳнинг сой томони эса марзага айланган қалин девор билан ўраб олинган. Унинг майдони кўчма қумлардан тозалангач, очилган тақир майдондан турли археологик материаллар ва қурилма қолдиқлари учратилади. Манзилгоҳ марказида 170 метр квадрат майдонни эгаллаган ярим ертўла, унинг ичидан ертўла томини тутиб турувчи тиргак-устунлардан қолган чуқурчалар, ўчоқ қолдиқлари, уларнинг атрофидаги қалин маданий қатламдан сопол парчалари, ҳайвон суяклари, тош ва металлдан ишланган турли археологик ашёлар топилган. Манзилгоҳ майдонидан яна иккита қапа (чайла) ўрни, икки камерали сопол пишириш хумдони ва бир неча жойдан хўжалик ўралари, қорайиб қуюндига айланиб кетган бошоқли дон қолдиқлари топилган. Ертўла ичида тўпланган маданий қатлам уч горизонтдан иборат бўлиб, унинг энг пастки горизонти археологик материалларга бой бўлган.

Иккинчи Замонбобо манзилгоҳи қўлдан тахминан 6-7 км ғарбда, сой соҳилидан топилган, лекин манзилгоҳда маданий қатлам сақланмаган, унинг устидан териб олинган сопол парчалари, металлдан ишланган турли меҳнат қуролларининг бўлаклари ҳамда тош қуроллар мажмуаси Замонбобо қабристони ва манзилгоҳ 1 материалларидан фарқ қилмас эди.

Замонбобо материаллари комплекси ичида сополлар ва катта миқдордаги уй ва ёввойи ҳайвон суяклари – кўҳна чиқиндиларидан ташқари терракота урчуктошлар, антроморф фигуралар, чақмоқтошдан ясалган турли хил меҳнат

---

<sup>61</sup> Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса // Тр. Ин-та истории и археологии АН Узб. ССР, вып. 8. -Ташкент, 1956.

ва ов қуроллари, тошмунчоқлар, ёрғучоқ в тош келисоплар, суяк бигиз, мис куракча парчалари учратилган.

Иқтисодий хўжалик жиҳатидан Замонбобо маданиятига яқин ёдгорликлар комплекси ўрта Зарафшондан, Тўқайли ва Жуков қишлоқлари оралиғидан 1987-йилда топилиб, у “*Жуков диний мемориал комплекси*” деб ном олди<sup>62</sup>.

### **III.4. Жуков диний мемориал комплекси**

Археологларнинг ёзишича, дарё соҳилидаги жар кесмасида, ер сатҳидан 4-5 метр ораликдаги чуқурликда тош конструкцияли диаметри 5 метрга яқин иншоот қолдиғи (тош ғов), сопол парчалари, тим қора кўмир кукунлари аралаш қатлам очилади. Тош ғов остида овал шаклида йирик-йирик тош бўлақларидан қурилган пойдевор борлиги аниқланади. Қурилманинг бузилиб кетган тош девори 40 смгача баландликда сақланган. Қурилма ичидан ерга ўйилган оловхона (эхтимол, алтардир) ва уларнинг ичидан кул ва куйган ҳайвон суяклари, иккита тошболта, тош ҳовонча сопи, чақмоқтошдан ишланган пайкон ва бошқа тош қуроллари топилган. Тошғовнинг ғарбий қисмида яна бир чуқурча бўлиб, унинг усти сопол парчалари билан ёпилган, ичи эса ўхра (қизил бўёқ)га тўла, ўхра ичида эса оппоқ садаф мунчоқлар ва 2 та қўй ошиғи топилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, бу жой аجدодлар топинадиган очиқ “ибодатхона” бўлиши мумкин<sup>63</sup>. Объект топилмалари, айниқса, сополлар ва уларнинг нақшлари, тош ғов конструкцияси ёдгорликнинг тарихий илдизларини дашт қабилалари маданий дунёси билан боғлиқ эканлигидан гувоҳлик беради<sup>64</sup>.

Бронза даврига келганда Зарафшон водийсининг ўрта ҳавзаси ибтидоий аجدодлар томонидан кенг ўзлаштирилган туманлардан бирига айланади. Бир томонда Зарафшон водийсини жанубий минтақалар билан боғловчи Жом савдо йўли ёқасида *Жом савдо карвон саройлари*, улар билан боғлиқ турли

<sup>62</sup> Аванесова Н.А., Джуракулова Д.М. Древнейшие номады Зеравшана // «Культура номадов Центральной Азии». Материалы межд. конференции. -Самарканд, 2008. -С. 12-32.

<sup>63</sup> Аванесова Н.А., Джуракулова Д.М. Указ. работа. -С. 16.

<sup>64</sup> Аванесова Н.А., Джуракулова Д.М. Указ. работа. -С. 16-31.

этник гуруҳ вакилларининг қабристони (*Галашерик*) пайдо бўлади, иккинчи томонда Зарафшон ёқалаб *диний мемориал комплекси (Жуков)*, руда эритиш, металл хомашёсини ишлаб чиқаришга мослашган қишлоқлар (*Тўқайли*) ва ниҳоят, давр сўнгида қадимги шаҳарлар (*Кўктепа, Афросиёб*) қад кўтаради.

### III.5. Жом қишлоғи ва унинг атрофидаги ёдгорликлар

Кейинги ўн-ўн беш йил давомида Жом қишлоғи ҳудудидан 6 жойдан бронза даврига оид аجدодларимизнинг моддий маданият излари топиб ўрганилди<sup>65</sup>. Уларнинг деярли кўпчилиги Жом қишлоғини оралаб ўтган Жомсой билан боғлиқ бўлиб, унинг ўзани Эски анҳор каналига уланиб кетган. Эски анҳор канали эса қадимий ўзан устига қурилган. Эҳтимол, Эски анҳор каналига асос бўлган ана шу ўзан қачонлардир Жомсойнинг давоми бўлган.

Жом археологик комплекси *Галашерик қабристони, Қоратепа феруза кони* ва яна тўрт жойдан топилган топилмалар: икки тиғли бронза болта, икки парракли зўғатали пайкан, тош болта, ҳовонча соплари бўлиб, улар Жом қишлоғи ва унинг теварак-атрофи бронза даврида кенг ўзлаштирилганлигидан далолат беради. Бу жойдан иккита маданий хўжалик ва икки хил этник гуруҳларга тегишли моддий маданият ашёларининг топилиши эса (Зарча Халифа ва Жом) бир жиҳатдан икки этник гуруҳлар ўртасида давом этган иқтисодий ва этномаданий алоқалар ҳақида гувоҳлик беради.

Милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларида Замонбобо маданиятидан тубдан фарқ қилувчи ва унинг ўрнини эгаллаган дашт минтақаларининг Тозабоғёб типигади андронова маданияти қабиалари эгаллайди. Бу маданият соҳибларининг келиб чиқиш тарихий илдизлари Қозоғистон чўллари, Ўролорти туманлари, умуман, Жанубий Сибирнинг бронза даври чорвадор андронова жамоалари маданиятига

---

<sup>65</sup> Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Яркулов А. К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла // “Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии”. Самарканд-Бишкек, 2005. –С. 13.

бориб тақалади<sup>66</sup>. Бу тарихий ҳақиқат ўз даврида биринчи бор С.П.Толстов томонидан айтилиб, у бошқа тадқиқотчиларнинг илмий монография ва мақолаларида ҳам ўз исботини топган<sup>67</sup>. Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқидан кириб келган ана шу андронova қабилалари Евразия даштларининг бронза даври орийлари бўлиши мумкин<sup>68</sup>.

Кейинги 50-60 йил давомида уларнинг излари мавсумий манзилгоҳлар, қадимги мазор ва қабристонлар сифатида Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган ҳудудларида юзлаб пунктларда топиб ўрганилган<sup>69</sup>. Маълумки, Авестонинг лингвистик таҳлилига кўра, мил. авв. II-минг йилликнинг ўрталарида Евразия чўлларида жанубга томон орий қабилаларининг миграцияси юз беради. Эрон ҳамда Шимолий Ҳиндистонда орийлар ҳукмронлиги ўрнатилиб, шу даврда Авесто ва Веда каби муқаддас китоблар пайдо бўлади. Бу жараён Ўрта Осиёнинг бронза даври археологик материалларида ҳам тасдиқланади. Аммо орийларнинг илк ватани ва унинг даври масаласида фанда илмий баҳслар давом этарди. Кейинги йиллардаги Россия археологларининг жанубий-шарқий Ўролорти туманларида Синташта ва Аркаим каби ёдгорликлар комплексларида олиб борган изланишлари муаммога анча аниқлик киритди. Айнан шу туманлар чорвадор жамоалари орасида мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида мулкӣ табақаланиш кескин юз берганлиги, ҳар бир жамоанинг чорва мулки қабиласардорлари, сипоҳӣ ҳарбийлари қўлида тўплана бошлагани яққол кўзга ташланади. Оқибатда Авестода эслатилган жамоанинг эркин, озод ва мулкдор тоифаси, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор жанговар қатлами, туғилиб

---

<sup>66</sup> Толстов С.П. Итоги двадцати лет Хорезмийской археологической экспедиции (1937-1956 гг.) // СЭ, 1957, №4, -С. 41.

<sup>67</sup> Оболдуева Т.Г. Погребения эпохи бронзы в Ташкентской области // КСИИМК, вып. 59, 1955. -С. 145-149; Гулямов Я.Г., Исломов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. -Ташкент, 1966. -С. 217; Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы // МИА, №88, 1960. -С. 112.

<sup>68</sup> Аскарлов А. Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар // “Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда”. -Тошкент, 2005. -Б. 69-79.

<sup>69</sup> Аскарлов А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана // ИМКУ, №3. -Ташкент, 1962. -С. 35-41; Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура... -С. 187-196; Аскарлов А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // «Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций». -Алмата, 1989. -С. 57-58; Пьянкова Л.Т. Древние скотоводы Южного Таджикистана. -Душанбе, 1989. -С. 9; Её же. Раскопки на поселении бронзового века Тегузак в 1979 г. // Вып. 1986; Масон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, №73, 1959. -С. 117; Виноградова Н.М. Отчет о работе отряда по изучению памятников бронзового века // ЮТАЭ (1978), вып. XVIII, 1984.

келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар табақаси – орийлар пайдо бўлади<sup>70</sup>. Милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан эътиборан Ўрта Осиёга кириб келган чорвадор дашт қабилалари орийларнинг бир қисми эди. Уларнинг моддий маданият излари Ўрта Осиёда, айниқса, унинг шимолий ва марказий вилоятларида кенг учрайди. Уларнинг Зарафшон водийсида топиб ўрганилган ёдгорликлари: *Гужайли манзилгоҳи ва қабристон*, *Тўқайли ва Сазагон манзилгоҳи*, *Дашти Казо*, *Мўминобод*, *Чакка*, *Сайгус*, *Сиёб*, *Қизилқир*, *Чорбоғ*, *Дашти Ўрдакон* кабилар мазорлар сифатида бизгача етиб келган.

### III.6. Сармишсой қоятош суратлари

Зарафшон водийси ўтмиш тарихининг яна бир моддий маданият тури қоятош суратлари бўлиб, улар Зарафшон тоғ тизмалари таркибига кирган Нурота, Оқтоғ, Қоратоғ, Овминзатоғ, Букантоғ, Зирабулоқ тоғлари ва улар орасидаги сой, дара тошларида, ғор, унгур, камар деворлари ва шипларида кўплаб учрайди. Улар орасида Қоратоғнинг *Сармишсой дарасида чизилган суратлар* алоҳида аҳамият касб этади.

Сармишсой қоятош суратлари 1958 йилда Х.Муҳаммедов томонидан очилган. Уни дастлаб археологлар Н.Х.Тошкенбоев<sup>71</sup>, Ж.Кабировлар<sup>72</sup> ўрганганлар. Кейинги йилларда уни ўрганиш иши билан археолог М.Хўжаназаров мукамал шуғулланди<sup>73</sup>.

Ж.Кабиров Сармишсой қоятош суратларини ўрганар экан, улардаги турли манзара ва сюжетларни ўз ичига олган 48 та гуруҳ тасвирлар тавсифини беради ва уларни 40 хилга яқин турини аниқлайди<sup>74</sup>. Шунингдек, уларни нафақат ажодлар томонидан чизилган ноёб санъат асари, балки ўзбек халқининг ўтмиш тарихи ҳақида бой диний ва дунёвий маълумотлар берувчи ёзма манба сифатида таъкидлайди, уларнинг даврий санаси ва унинг босқичларини

<sup>70</sup> Аскаров А. Орийлар муаммоси... -Б. 69-79.

<sup>71</sup> Ташкенбаев Н.Х. Наскальные изображения Сармиша и Карангиунгурсая. Сб. ИМКУ №7, Ташкент, 1966, стр. 36-39.

<sup>72</sup> Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятош расмлари. –Тошкент, 1976.

<sup>73</sup> Худжаназаров М. Наскальные изображения Сармишсая. ОНУ №4-5. –Ташкент, 1998; Khujanazarov M. and inaz. Petroglyphs of Uzbekistan. “Petroglyphs of Central Asia”. –Bishkek, 2001. –P. 93-109.

<sup>74</sup> Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятош расмлари. –Тошкент, 1976. –Б. 11-12.

аниқлайди. Уларнинг энг қадимийлари мил. авв. III-II минг йилликларда ишланган, деган хулосага келади<sup>75</sup>. М.Хўжаназаров эса Сармишсойда ҳар хил сюжетли 4 мингга яқин тасвирлар борлигини аниқлайди. Уларни антопоморфлар, зооморфлар, ҳарбий ва меҳнат қуролилари тасвири, эпиграфик ёзувлар ва қуёш белгиларига ажратиб, бу суратлар нафақат ов манзараларини тасвирлайди, балки ўтмиш тарих қаърига бурканган диний ва дунёвий тафаккур маҳсули, моддий оламнинг маънавий ифодасидир, деган хулосага келади<sup>76</sup>. Уларнинг санаси масаласида Ж.Кабиров фикрига қўшилиш билан бирга, Сармишсой суратлари орасида мезолит ва неолит, ҳатто юқори палеолит даврида яшаган ҳайвон турларининг суратлари ҳам борлигини таъкидлайди.

#### **IV Боб. Зарафшон водийси тош ва жез даври археологик**

##### **ёдгорликларининг хронологияси**

Маълумки, Зарафшон водийси қадимги тош даврининг *мустъе босқичидан эътиборан аждодлар томонидан ўзлаштирилган*. Уларнинг ёшини белгилашда археологлар анъанавий қиёсий типологик метод ва радиокарбон таҳлил натижаларига асосланиш билан бирга, айниқса, палеолит даври ёдгорликлари даврий санасини аниқлашда геологик стратиграфия, палеонтология ва геохронология тадқиқотлар натижаларидан ҳам фойдаланадилар. Масалан, замонавий технологик усуллар асосида яратилган геологларимизнинг ишларида плейстоцен қатламлари саналарини ўрганиш натижасида Ўрта Осиёнинг соз тупроқ қатламлари тузилиши ҳақида муфассал стратиграфия кесмаларини олишга эришилган. Аммо палеонтологик топилмаларнинг ғоятда камлиги туфайли террасаларнинг (биринчи ва учинчи террасалардан ташқари) ягона шкаласи яратилмагани боис, Ўрта Осиё, жумладан, Зарафшон водийсининг палеолит даври ёдгорликлари санасини белгилашда биринчи ўринда геологик кесмалардан кўра, кўпроқ археологик комплексларнинг типологик солиштирма методларига асосланиб, уларнинг

<sup>75</sup> Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятош расмлари. –Тошкент, 1976. –Б. 60.

<sup>76</sup> Худжаназаров М. Древнейшие наскальные изображения Сармишсая // ИМКУ, №32. -Ташкент, 2001.

саналари аниқланган. Шунинг учун Ўрта Осиё палеолит даври ёдгорликларининг санасини белгилашда археологик стратиграфия ягона методга айланган. Айнан ана шу услубда Зарафшон водийсининг нафақат ноёб палеолит даври ёдгорлиги, Қўтирбулоқ, балки унинг қолган 10 та ёдгорликларининг ёши ҳам палеолит даврининг мустъе босқичига тегишли эканлиги аниқланган.

Навбатдаги тарихий археологик босқич юқори палеолит даври бўлиб, бу даврда инсоният тарихида катта ўзгаришлар юз беради. Зарафшон водийсида шу даврга оид 10 дан ортиқ жойларда аҳоли макон топганлиги аниқланган. Улар орасида *Самарқанд* ва *Хўжамазгил* манзилгоҳлари алоҳида аҳамият касб этади. Аммо Самарқанд юқори палеолит даври ёдгорлигининг ёши масаласида олимлар орасида илмий баҳслар мавжуд. Масалан, уни илк бор ўрганган археолог Д.Н.Лев ёдгорликни юқори палеолитнинг бошлари билан белгиласа<sup>77</sup>, геологлар Мирзачўл террасаси ётқизиқларига асосланиб, мил. авв. 38 минг йиллик билан белгилайдилар. Самарқанд манзилгоҳи тош қуроқларини трассологик ўрганган Г.Ф.Коробкова эса ёдгорликни ёшартириб, яъни мил. авв. 13 минг йиллик билан белгилайди<sup>78</sup>. Таниқли археолог В.Н.Ранов Самарқанд манзилгоҳининг ёши мил. авв. 20-15 минг йилликлар оралиғидан ортиқ ҳам, кам ҳам эмас, деган хулосага келади<sup>79</sup>. Ниҳоят, ёдгорликни бевосита ўрганиш иши билан шуғулланган проф. М.Ж.Жўракулов Самарқанд манзилгоҳига 20 минг йил атрофидаги ёшни бериш мумкин деган хулосага келади<sup>80</sup>. Биз ҳам шу фикрга қўшиламыз.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида кўрганимиздек, Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимлари ҳавзаларида тош даврининг сўнгги босқичига оид уч туркум ёдгорликлар комплекси топиб ўрганилган. Уларнинг археологик

---

<sup>77</sup> Лев Д.Н. Поселение древнекаменного века в Самарканде. Исследования 1958-1960 гг. // Тр. СамГУ, вып. 135. -Самарканд, 1964.

<sup>78</sup> Коробкова Г.Ф. Трассологические исследования каменного инвентаря самаркандской стоянки // МИА, 185. - Москва, 1972. -С. 159-167.

<sup>79</sup> Ранов В.Н. Самаркандская стоянка и её место в каменном веке Средней Азии // Изв. отд. общ. наук АН Тадж., вып. 85. -Душанбе, 1969.

<sup>80</sup> Джуракулов М.Дж. Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. -Ташкент, 1987. -С. 24.

тавсифи ушбу ишнинг биринчи бобида берилди<sup>81</sup>. Энди, уларнинг хронологик саналарига келганда, тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, Учтут ёдгорликлар комплекси тош даврининг тўрт босқичига (мустье, юқори палеолит, мезолит ва неолит) тегишли. Уларнинг энг қадимийси Учтут тош устахоналари бўлиб, тош қуроллариининг шакли ва улар юзасида ҳосил бўлган қалин патинизация изларига кўра, тош устахонасини ёшини мустье даври билан белгилашни тақозо этади. Тош устахонасининг чиқиндилар уюми (отвал) қазиш вақтида 7 та горизонт очилиб, улардан топилган меҳнат қуроллариининг ишланиш техникаси ва шаклига кўра, горизонтлар иккита хронологик давр материалларини берган. Қуйи (VII-IV) горизонтлар сўнгги мустье, III-I горизонтлар эса юқори палеолит даврига тегишли бўлиб чиқди. Учтутда мезолит даври материаллари иккинчи устахонада ва Учтут шахталари комплексида учрайди. Неолит даври материаллари эса фақат Учтут шахталарида учратилган. Учтут материаллари бўйича ўтказилган типологик қиёсий таҳлиллар шахталарни илк Калтаминор ва Жойтун маданиятининг сўнгги босқичи материаллари билан тенгдош эканлигини таъкидлашни тақозо этади. Демак, Учтут шахталариининг ёшини мил. авв. V минг йилликлар билан белгилаш мумкин<sup>82</sup>.

А.В.Виноградов ва Э.Д.Мамедовларнинг жанубий ички Қизилқумда, Лавлакан туманида олиб борган тадқиқотлари туфайли 500 дан ортиқ Калтаминор маданиятига тегишли мавсумий манзилгоҳлар топиб ўрганилди, улар уч хронологик босқичларга оид бўлиб, биринчи босқич ёдгорликлари мезолит ва илк неолит, иккинчи босқич ёдгорликлар Калтаминор маданиятининг жонбос-дарбозақир, учинчи босқич ёдгорликлар эса сўнгги неолит ва энеолит даврига тегишли эканлиги аниқланган<sup>83</sup>. Лавлакан ёдгорликлар комплексининг иккинчи босқичида бу минтақа аҳолисининг ижтимоий–иқтисодий ҳаётида кескин демографик ўзгаришлар юз беради. Бу

<sup>81</sup> Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура... -С. 73-86; Мирсаатов Т. Хозяйство охотничье-рыболовческих племен среднеазиатского междуречья поры мезолита и неолита // Автореф. докт. дисс. -Новосибирск, 1989. -С. 42-47; Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У. Мезолит и неолит среднего Зарафшана. -Ташкент, 1991. -С. 80-101.

<sup>82</sup> Мирсаатов Т. Указ. Работа. -С. 43-44.

<sup>83</sup> Виноградов А.В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лавлякан. -Москва, 1975. -С. 210-255.

Ўзгаришлар туфайли бир гуруҳ овчи жамоалари кулжуктов-лавлакан туманидан шимолий-ғарбга, яъни Амударёнинг қуйи ҳавзаларига, уларнинг иккинчи гуруҳи эса жанубга, яъни Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларига бориб жойлашадилар. Шу боисдан бўлса керак, калтаминор маданиятининг жонбос босқичи билан дарбозақир материаллари даврий жиҳатдан тенгдошдирлар. Бу масалада А.В.Виноградов ва Ў.Исломовлар ҳам бир фикрдалар<sup>84</sup>. Қуйи Зарафшоннинг дарбозақир комплексининг ёши масаласида Ў.Исломов, А.Виноградовлар илмий хулосаларига қўшилиш мумкин.

Сазағон маданияти ёдгорликлари хронологиясига келганда, бу масканда ўрганилган ёдгорликларда археологик стратиграфия масаласининг мураккаблиги туфайли ёдгорликларнинг хронологик шкаласи яхши ишланмаган. Чунки ёдгорликларнинг деярли барчасида маданий қатламлар такрорий хўжалик ишлари туфайли бузилиб, турли давр археологик комплекслари аралашиб кетган. Айниқса, Сазағон 1 ва 2 маконларининг ёши масаласида бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Троссолог Г.Ф.Коробкова сазағон маданияти ёдгорликларининг асосида мезолит комплекси мавжудлигини таъкидлайди, геолог Э.Д.Мамедов эса уларни мезолит-неолит даврига оидлигини исботламоқчи бўлади. Археолог Д.Н.Лев уларнинг ёшини неолит даври билан белгилайди ва улар калтаминор маданиятининг бир варианты эканлигини эътироф этади. Археологлар М.Жўрақулов ва Холюшкинлар Сазағон 1 маконининг келиб чиқиш илдизларини Самарқанд макони билан боғлаб, ёдгорлик мезолит даврига оид деган хулосага келадилар. Бу ёдгорликлардан топилган қабрлар масаласида ҳам ноаниқликлар мавжуд. Аслида қабрларда ётган суякларнинг анатомик ҳолатига қараганда, уларни неолит даврига тегишли эканлигига ишониш қийин. Сазағон маданиятининг Тепакул 3 макони ёши масаласида ҳам ноаниқликлар бор. Тўғри, унинг қуйи қатлами неолит даврига тегишли бўлиши мумкин, аммо унинг бузилган юқори

---

<sup>84</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. -Москва, 1981. -С. 118-133; Исломов У., Гулямов Я. и др. Первобытная культура... -С. 73-86.

қатламлари, у ердан топилган сополлар ва уларнинг нақшларига караганда, Тепакул 3 маконини неолит-энеолитга оидлигига шубҳа йўқ.

Сазағон атрофларида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўрта Осиёнинг тоғ олди минтақалари мезолит даврининг охири ва илк неолит даврида (мил.авв. VII-VI минг йилликлар) кенг ўзлаштирила бошлайди. Бирок минтақада сўнгги неолит даврининг абсолют санасини аниқлаш жуда қийин кечмоқда. Чунки бу давр қатламларининг аксарияти сазағонда бузилиб, улар энеолит ва бронза даври материаллари билан аралашиб кетган. Сазағон маданияти ёдгорликларининг ёшини аниқлаш борасида олиб борилган комплекс тадқиқот натижалари қуйидагиларни тақозо этади: Сазағон 1 сўнгги мезолит (мил. авв. VII-VI минг йиллик), Сазағон 2, Жангал 1, Тепакул 3 неолит (мил. авв. VI-III минг йиллик) даврига тегишлидир. Кейинги учта манзилгоҳларнинг бузилган юқори маданий қатламларида энеолит ва бронза даври материаллари ҳам учрайди. Демак, Сазағон маданиятининг неолит даври комплекси эканлиги масаласи фанда ҳозирча жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Зарафшон водийсида топиб ўрганилган энеолит ва бронза даврининг ноёб ёдгорлиги Саразм бўлиб, унинг даврий санаси масаласида объект тадқиқотчиси археолог А.Исҳоқов ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил баён этган<sup>85</sup>. А.Исҳоқов Саразмни Қадимги Шарқ дунёсининг суғорма деҳқончилик маданияти соҳибларига тегишли ёдгорлик эканлигини илмий исботлаб, унинг горизонтал маданий қатламлари тўрт босқичдан (Саразм I, II, III, IV) иборат эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, уларнинг хронологик санасини милoddан аввалги IV-минг йилликнинг ўрталаридан то II – минг йилликнинг бошлари (мил. авв. 3500-1900 йиллар) билан белгилайди. А.Исҳоқов хулосаларига кўра, Саразм I, II энеолит, Саразм III сўнгги энеолит, Саразм IV босқичи эса илк ва ривожланган бронза даври билан характерланади.

Саразм маданияти учун А.Исҳоқов таклиф қилган ушбу саналар, бизнингча, камида 300 йилга қадимийлаштирилган. Аслида Саразм I ва Саразм II археологик комплексларини бир босқичга бирлаштириш мумкин. Чунки

---

<sup>85</sup> Исаков А. Саразм. -Душанбе, 1991. -С. 112-113.

уларни иккига ажратишга жиддий стратиграфик материаллар етишмайди. Масалан, Саразм 1 қатламига оид хоналардан Номозгоҳ II даврига тегишли полихром рангли мураккаб нақшли сополлар учрайди. Шунингдек, Саразм II даври меъморий комплексларида Номозгоҳ IV даври учун характерли пилястрлар пайдо бўлади. Ушбу материаллар Саразм 1 ва 2 давр босқичларини бир босқичга бирлаштириб, унинг нисбий хронологиясини сўнгги энеолит даври биан белгилашни тақозо этади, унинг абсолют йил санасиэса мил. авв. III минг йилликнинг охириги чораги билан белгиланса, тарихий ҳақиқатга яқинроқ бўларди.

Саразм IV босқичи ҳам ҳаддан ташқари қадимийлаштирилган. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, у даврда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт қанчалар ривожланган бўлмасин, унинг излари ёғингарчиликлар туфайли йўқ бўлиб кетган. Бундан ташқари, бу даврга келиб, гуркираб ривожланиб келаётган илк шаҳар ҳаёти қандайдир ташқи муҳит таъсирида инқирозга учрайди. Бу таназзул бронза даврининг маълум бир босқичида (аниқроғи, милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталарида) чорвадор орий қабилаларининг Жанубий-Шарқий Ўролорти минтақаларидан жанубга томон кўчиши муносабати билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, Саразмнинг юқори қатламида дашт қабилаларига хос қўлда ишланган Андропова маданияти сопол парчалари учрайди. Шунингдек, Саразм IV даври металл комплекслари орасида ҳам бронза даври дашт қабилалари маданиятига тегишли пичоқ ва ханжарлар учрайди<sup>86</sup>. Шу билан бирга, Саразмнинг энг юқори маданий қатлам чуқурчаларида қўлда ясалган, сирти қизғиш оқ тиниқ ангоб билан пардозланган рангли нақшли сополлар серияси учрайди. Бу сополлар бир қарашда чуст маданияти сополларини эслатади. Демак, бу ашёвий далиллар таҳлилига кўра, саразмликлар дашт қабилалари билан (Дашти Қазони эсланг) маъдан конлари можароси туфайли Саразмни ташлаб кетгач, у жойда маълум вақтлар ўтгандан сўнг сўнгги бронза даври рангли сопол маданияти (Чуст) қабилаларининг кулбалари пайдо бўлади. Агар

---

<sup>86</sup> Исаков А. Саразм... -С. 115.

масалага А.Исҳоқов хронологик даврий системаси нуқтаи назаридан ёндашилса, бу фараз ғайритабiiй бир ҳол эди. Аммо қадимги Саразмнинг энг юқори қатлами комплексида сўнгги бронза даврининг рангли сопол маданияти сополининг учратилишини икки ҳолат билан тушунтириш мумкин: биринчиси, кейинги йиллар тадқиқотларида ҳуст маданияти санасини археологлар орасида мил. авв. II-минг йиллик ўрталаригача қадимийлаштириш кайфияти ҳукм сурмоқда<sup>87</sup>, иккинчиси, Саразм IV юқори санасини милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаригача ёшартириш ғояси олға сурилмоқда<sup>88</sup>. Шундай қилиб, юқорида келтирилган фактлардан келиб чиқиб, Саразм I=Номозғох IIIб билан, Саразм II=Номозғох IV билан, Саразм III=Номозғох V билан, Саразм IV=Номозғох VI билан даврлаштириш мумкин.

Зарафшон водийсининг илмий адабиётларда сўнгги энеолит ва илк бронза даври маданияти ҳисобланиб келинган Замонбобо ёдгорлиги<sup>89</sup> шу маданиятга тегишли манзилгоҳларнинг топилиши муносабати билан А.Асқаров томонидан мухтасар ўрганилиб, уларнинг ёши милоддан аввалги II-минг йилликнинг биринчи ярми билан белгиланди<sup>90</sup>. Бироқ В.И.Сарианиди гўёки Дашли комплексида замонбобо маданиятига характерли кушдонларнинг топилиши баҳонасида Замонбобо маданиятининг ёши милоддан аввалги II-I минг йилликлар оралиғидан узоққа бормаиди, деган даъво билан чиқади<sup>91</sup>. В.И.Сарианидининг хато хулосаси таъсирида А.Асқаров Замонбобо маданиятининг санасини ёшартириш йўлида махсус мақола билан чиқади<sup>92</sup>. Б.А.Литвинский ҳам Замонбобо манзилгоҳи юзасидан териб олинган дашт қабилаларининг сополларига ишора қилиб, В.И.Сарианиди таклифини асослашга уриниб кўради<sup>93</sup>.

<sup>87</sup> Заднепровский Ю.А. Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. -Бишкек, 1997. -С. 73-81.

<sup>88</sup> Асқаров А. Қадимги Суғд цивилизациясининг... -Б. 37.

<sup>89</sup> Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса // Тр. Ин-та Истории и археологии АН Узб. ССР, вып. 8. -Ташкент, 1956; Массон В.М. Изучение неолита и бронзового века Средней Азии // СА, №4. -М., 1957; Кузьмина Е.Е. Могильник Заманбаба // СЭ, № 2. -М., 1958.

<sup>90</sup> Асқаров А. Культура Заманбаба в низовьях Зарафшана // ОНУ, №11. -Ташкент, 1962. -С. 65.

<sup>91</sup> Сарианиди В.И. К вопросу о культуре Заманбаба. // Этнография и археология Средней Азии. -Москва, 1979.

<sup>92</sup> Асқаров А. К передатировке культуры Заманбаба. // Культура и искусства древнего Хорезма. -Москва, 1981.

<sup>93</sup> История таджикского народа. Том I. -Душанбе, 1998, стр. 161.

Мен аналитик ёш тадқиқотчи сифатида тажрибали фан дарғаларини айбламоқчи эмасман. Аммо баъзан улар ҳам бошқаларга ишониб, хатоликка йўл қўядилар ва ўз хатоларини англаб етгач, уни тузатишга жасорат топадилар. Масалан, Замонбобо маданиятининг баҳсларга сабаб бўлган санаси масаласида академик А.Аскарров В.И.Сарианиди таъсирида йўл қўйган хатосини кейинги ишларида тузатди<sup>94</sup>, яъни Замонбобо ёдгорликларига ўзининг илмий ишларида илк бронза даври маданияти сифатида қарай бошлади.

Дарҳақиқат, Катта тузкон 35 манзилгоҳидан териб олинган сополларнинг 98 фоизини нақшсиз кулранг, шамот аралашмали калин сополлардан иборат эканини ва манзилгоҳ майдонидан мис игна-бигиз ва пичоқ синиқлари ҳамда Замонбобо кушдонлари парчаларининг топилишини ҳисобга олганда<sup>95</sup> Замонбобо маданиятининг сўнгги энеолит ва илк бронза даврига тегишли эканлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Зарафшон водийси бронза даври, айниқса, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида чорвадор қабилалар томонидан кенг ўзлаштирилади. Ёдгорликлардан топилган ашёвий далиллар орасида сопол идишлар, турли хил тақинчоқлар, металлдан ишланган уй-рўзғор ва меҳнат қуроллари объектлар хронологиясини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда улардан қолган ашёвий далилларнинг учраши орий қабилаларининг жанубга миграцияси билан боғланмоқда<sup>96</sup>. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, орийларнинг жанубга юриши Авестода кўрсатилганидек, бир сана доирасида бўлмаган. Уларнинг Ўрта Осиёга оммавий равишда кириб келиши икки босқичда юз берган<sup>97</sup>. Биринчи босқич – милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталарига тўғри келса<sup>98</sup>, уларнинг оммавий равишда кириб келишининг иккинчи босқичи мил. авв. II- минг йилликнинг охирига чорагига

<sup>94</sup> Аскарров А. Қадимги Сўғд цивилизациясининг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий излари. «Transoxiana», Тошкент, 2004. –Б. 35.

<sup>95</sup> Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура... -С. 168.

<sup>96</sup> Аскарров А. Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар // Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. -Тошкент, 2005.

<sup>97</sup> Аскарров А. Указ. работа. -С. 76.

<sup>98</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. -М., 1948. -С. 66-68; Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. -М., 1977. -С. 145.

тўғри келади<sup>99</sup>. Бу давр материаллари шимолий Бактрияда Қўнғиртут ва Теғузак манзилгоҳларида учрайди. Бу ёдгорликлар даврий жиҳатдан Сополли маданиятининг Мўлали босқичи билан замондошдир<sup>100</sup>. Бу саналар мутахассислар орасида тан олинган<sup>101</sup>. Шу билан бирга, улар орасида қадимийликка даво қилувчи Жуков мемориал диний комплекси хронологик жиҳатдан Евразия чўлларида чорвачилик хўжалиги эндигона шаклланиб бораётган илк бронза даври маданиятларининг ҳосиласи бўлиши мумкин<sup>102</sup>. Ундан кейинги хронологик приоритетга даъво қилувчи объектлар Тўқайли манзилгоҳи, Чакка қабристони ва Сиёб ёлғиз мазори бўлиб, уларнинг муаллифлари сополлардаги Андронova маданиятининг Олақўл ва Фёдоров босқичларига хос элементларига қараб, уларнинг йил санасини мил. авв. XIV-XIII асрларга тегишли<sup>103</sup>, деган ғояни илгари сурадилар. Бироқ уларда топилган Фёдоров босқичига тегишли сополлар ва бронза безакларининг шакли, материални милоддан аввалги XIII асрдан қадимийлаштиришга имкон бермайди.

Зарафшон водийсининг илк шаҳар маданиятига дахлдор ноёб ёдгорлиги Кўктепа монументал комплекси бўлиб, бу ерда олиб борилган вертикал ва горизонтал стратиграфик изланишлар унинг уч тарихий босқичдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. Унинг қуйи қатлами 1,5 метрдан кам бўлмаган ўта говак икки горизонтдан иборат бўлиб, унинг археологик комплекси хронологик босқичларга бўлинмайди. Шартли Кўктепа 1 деб номланган бу қатлам материаллари Чуст маданияти комплексини эслатади. Унинг хронологик санаси тадқиқотчи М.Исомиддинов томонидан милоддан аввалги IX-VIII асрлар билан белгиланган. Кўктепа 1 қатламлари устида йирик ғиштлардан қурилган

<sup>99</sup> Итина М.А. Указ. Работа. -С. 140-145.

<sup>100</sup> История таджикского народа. Том I. –Душанбе, 1998, стр. 170.

<sup>101</sup> Исаков А., Потёмкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане // СА, № 1, 1989. -С. 162-165; Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде // ИМКУ, вып. 8. -Ташкент, 1969. -С. 62; Итина М.А. Раскопки могильника тазабагъябской культуры Кокча 3 // МХЭ, вып. 5, -М., 1961. -С. 89; Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура... -С. 216 и другие.

<sup>102</sup> Аванесова Н.А., Джуракулова Д.М. Древнейшие номады Зеравшана // «Культура номадов Центральной Азии». Материалы межд. конф. Самарканд, 2007 г. -Самарканд, 2008. -С. 29.

<sup>103</sup> Жўракулов М., Аванесова Н., Амиркулов Б. Зарафшон водийсининг ибтидоий маданияти. –Самарканд, 1994. –Б. 111.

монументал бино қолдиқлари учрайди (Кўктепа II). Жойларда унинг қалинлиги 3-4,5 метргача боради. Унинг археологик комплекси қулолчилик чархида ишланган цилиндроконус шаклли сополлардан иборат. Тадқиқотчи М.Х.Исомиддиновнинг таърифлашича, Кўктепа II комплекси милоддан аввалги VII-V асрларга тегишли бўлиб, уни қадимги суғда шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиш даври деб аташ мумкин<sup>104</sup>. Ёдгорликнинг энг юқори қатламида илк эллинистик материаллар учрайди.

Кўктепа комплексларининг ёши масаласида М.Исомиддиновга қўшилиш мумкин, у асосан ёдгорлик санасини тўғри белгилаган. Шунинг билан бирга, чўст маданияти ёши масаласида кейинги йилларда, унинг қуйи қатламини (Чўст 1) қадимийлаштириш борасидаги илмий мунозараларга кўра, муаллиф билан баҳслашиш мумкин эди. Чунки Кўктепа 1 қатламининг таркибий характери Чўст 1 ва Чўст 2 қатламлари характерини эслатади. Унда Чўст 3 босқичига хос гувалакдан тикланган қурилма қолдиқлари учрамайди. Аммо М.Исомиддиновнинг микростратиграфик кузатувлари асосида олиб борган керамика маҳсулотларининг таҳлили Кўктепа 1 қатламини энг сўнгги Чўст 2-Чўст 3 босқичлари билан тенгдош эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис, Кўктепа 1 даврининг йил санаси М.Исомиддинов томонидан тўғри белгиланганлигини эътироф этамиз.

Зарафшон водийсининг ноёб ёдгорликлар комплексида яна бири Сармишсой қоятош суратлари бўлиб, Ж.Кабиров унинг даврий санасини белгилашда асосан тўғри йўлдан бориб, унинг энг қадимий суратлар сюжети милоддан аввалги III-II минг йилликларда ишланган, деган хулосага келади<sup>105</sup>. Шунингдек, у ёдгорликни ўрганишда илк бор кўп қатламли ноёб обида эканлигини таъкидлаб, унинг йил санасини уч тарихий даврга: бронза, сак (илк темир) ва турк (илк ўрта асрлар) даврларга бўлди<sup>106</sup>.

Сармишсой қоятош суратларини ўрганишни М.Хўжаназаров давом эттириб, биринчи навбатда ўз эътиборини уларни даврий таҳлил қилишга

<sup>104</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. -Ташкент, 2002. -С. 35-48.

<sup>105</sup> Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. -Тошкент, 1976. -Б. 39.

<sup>106</sup> Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. -Тошкент, 1976. -Б. 31-69.

қаратди. У расмлар орасида калласи ва оёқлари учбурчак шаклда сидирға ишланган баъзи бир буқаларнинг тасвири Ж.Кабилов ўйлагандан янада қадимийроқ бўлиши мумкинлигини асослади. Чунки уларда ов манзарасининг ҳаракатчан, жўшқин ҳолатда акс эттирилиши юқори палеолит даври тасвирий санъатини эслатади<sup>107</sup>. Дарҳақиқат, ҳайвоннинг жўшқин ҳаракатдаги ҳолатини тасвирлаш бронза даври хонаки чорвачилиги учун характерли эмас. Одатда, ҳайвонларни овчилик маданиятини хос экспрессив ҳаракатдаги ҳолатини тошда акс эттириш, умуман, тош даври тасвири санъатига хос ҳисобланади.

Сармишсой қоятош суратларининг қадимийлигини аниқлашда буқа – турлар тасвирининг турларига қараб белгилаш мумкин. Ушбу объектда буқа – турлар тўғри узунчоқ гавдали, ингичка, юқorigа қайрилган шохли бошларини баланд кўтарган ҳолда тасвирланган. Олдинги оёқларини узайтириб тасвирланганлиги боис, ҳатто туёқлари кўриниб туради. Уларнинг суяклари палеолит, мезолит, неолит, бронза даври ёдгорликларида учрайди. Аммо бронза даврининг охирларида иқлим – шароитга мослаша олмай қирилиб кетган, чорвадорлар кўчманчилик ҳўжалик тарзига ўтиши билан яйловлар учун кураш даврида буқаларга оммавий ов қилиш анъанага айланиб, улар оммавий ов ўлжаларига айланган.

М.Хўжаназаровнинг кузатувларига кўра, Сармишсой қоялари қадимги мусаввирлар эътиборини илк бор юқори палеолит даврида ўзига тортган. Бизнингча, М.Хўжаназаров юқори палеолит даврига оид деб ҳисоблаган учбурчак оёқ учли буқалар мезолит даврига тегишли бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қалай, М.Хўжаназаров тадқиқотлари Ж.Кабиловнинг Сармишсой қоятош суратлари хронологик даврий санасига аниқликлар киритди. Шунингдек, уларнинг аксарият кўпчилиги неолит даврига оиддир<sup>108</sup>, деган унинг хулосаси бизнингча ҳам тарихий ҳақиқатни акс эттиради.

<sup>107</sup> Шер Я.А. Петроглифы Средней и Центральной Азии. -Москва, 1980. -С. 183.

<sup>108</sup> Худжаназаров М. Древнейшие наскальные изображения Сармишсая // ИМКУ, №32. -С. 27.

## **V Боб. Зарафшон водийсида ибтидоий уруғ жамоалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда этномаданий ҳаёти**

Бу бобда қадимги тош даври одамларининг ҳўжалик характери ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари, уруғ жамоаларининг ўзлаштирувчи ҳўжаликдан ишлаб чиқариш ҳўжаликка ўтиш жараёнлари ва уларнинг диний эътиқодида оташпарастликнинг шаклланиши ҳамда унинг моддий маданиятда акс этиши, минтақада урбанистик жараёнлар ва илк шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши каби масалалар ҳақида қисқача маълумот бериш назарда тутилган.

Узоқ ўтмиш тарихдан маълумки, илк аجدодлар дастлаб табиат ноз-неъматларини териб, ковлаб, овлаб топишга мослашган – ўзлаштирувчи ҳўжалик билан шуғулланганлар. Бундай оғир ҳаёт палеолит ва мезолит даврларида, Ўрта Осиёнинг марказий ва шимолий минтақаларида, ҳатто неолит даврида ҳам давом этади. Неолит даврига келиб Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий туманларида (Жойтун маданияти) ўзлаштирувчи ҳўжаликнинг иқтисодий негизига зил кетади, яъни деҳқончилик ва чорвачилик кашф этилиб, ишлаб чиқариш ҳўжалигининг асослари яратилади. Бу даврда Зарафшон водийсида ўзлаштирувчи ҳўжалик ҳамон давом этаётган бўлса-да, аммо бу заминда ҳам неолит давридан эътиборан ишлаб чиқарувчи ҳўжаликнинг куртаклари ниш ура бошлайди. Масалан, Учтут неолит кончиларининг 5-6 метргача шахта қазиб, чакмоқтош хомашёсини излаши ва қуйи Зарафшоннинг Катта Тузкон 35 ва Каптарнинг қуми манзилгоҳларидан топилган сопол парчаларида сақланган мато излари Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичида тўқимачилик кашф этилиб, ундан балиқ овида фойдаланганлигига ишора қилади.

Дарҳақиқат, бу даврда инсоният тарихида яна қатор улкан ўзгаришлар юз бердики, уларни қадимги шумерлар маданияти мисолида чуқур таҳлил қилган инглиз археологи Г.Чайльд фанга “неолит инқилоби” деб атади. Бу туб ўзгаришларга олиб келган ихтиролар деҳқончилик ва чорвачиликнинг кашф этилишидан ташқари, кулолчилик ва тўқимачилик, уй-жой барпо этишда тош,

гувалак, ғишт ва пахсадан фойдаланишга ўтиш, маданий ҳаётда техникавий кашфиётлар, яъни тошни тешиш, силликлаш, пардозлаш техникаси кашф этилди ва ниҳоят, тоғ саноати, яъни меҳнат қуруллари яшаш учун сифатли, ишлов беришга қулай хомашёни шахта йўли билан излаш кашф этилди.

Дарҳақиқат, милoddан аввалги IV-III минг йилликлар давомида Ўрта Осиёда ёнма-ён иккита маданий-хўжалик зоналари шаклланган эди, яъни жанубда қадимги деҳқончилик маданияти жамоалари (Номозгоҳ маданияти) яшаса, минтақанинг қолган ҳудудларида ўзлаштирувчи хўжалик жамоалари (Калтаминор, Сазағон, Марказий Фарғона, Ҳисор маданиятлари) яшар эдилар. Бу икки томон жамоаларининг озиқ-овқат ва кийим-бошга бўлган кундалик эҳтиёжи улар ўртасида ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни тақозо этарди. Бу иқтисодий ҳаёт талабларидан келиб чиққан алоқалар, қачонки, илк бор металл кашф этилиб, ундан меҳнат ва ҳарбий қуруллар ишлаб чиқаришга ўтилгач, янада жадалроқ ривожлана бошлади.

Маълумки, милoddан аввалги III-минг йилликнинг охири ва II-минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёда давом этаётган минтақавий ривожланишнинг характери ва ҳудудий чегара доираси ўзгарди, яъни қадимги деҳқончилик ҳудудлари кенгайиб борди. Ҳатто жанубнинг бир гуруҳ деҳқон жамоалари Зарафшон водийсига ҳам кириб борди (Саразм маданияти). Бунинг боиси, биринчи навбатда, Зарафшон тоғ тизмаларининг юқори Зарафшон водийси яқинидан топилган маъдан конлари билан бевосита боғлиқ эди. Улар деҳқончиликка қулай ва маъдан конларига яқин жойга жойлашиб, Саразм II ва Саразм III даврларида металлдан меҳнат қуруллари ишлаб чиқариш ва руда қазиш ва эритиш, металл хомашёси билан савдо қилишда юксакликларга эришадилар, бутун Ўрта Шарқ минтақаларини металл хомашёси ва металл предметлари билан таъминловчи марказга айланади.

Саразм IV босқичи ушбу маконда илк шаҳарга хос омиллар қарор топган давр сифатида характерланади. Бу даврда йирик ҳовлилар майдонларида қулолчилик устахоналари, тош ва шағал ётқизилган йўлакчалар пайдо бўлади. Тош ва металлдан турли хил меҳнат қуруллари, уй-рўзғор анжомлари ишлаб

чиқариш аввалгидек жадал суръатлар билан ривожланишда давом этади. Бу давр металлургия саноатида жанговар ҳарбий қурооллар: болта ва чўқморлар, уруғ жамоаси сардорининг ҳукмдорлик белгиси – асо, турли хил фигуралар кўринишида ясалган муҳр ва тош гурзилар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Металл муҳрлар коллекциясида терракота босмалар пайдо бўлади. Буларнинг барчаси, биринчидан, қадимги саразмилар жамоасида мулкӣ табақаланиш жараёни кечаётганлигидан далолат беради, иккинчидан, Саразм металлурглариининг Қадимги Шарқ цивилизацияси ўчоқлари ва дашт қабилалар жамоалари билан иқтисодий савдо муносабатларининг тобора кенгайиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, Саразмдан топилган 10 кг ли қўрғошин ёмбисини экспортга тайёрлаб қўйилган хомашё сифатида талқин қилиш мумкин<sup>109</sup>. Бу масалада Саразмдан тахминан 40-45 км шарқда, Зарафшон тоғ тизмаларидан топилган Канчач, Ёри ва Жилоу маъдан конларининг ибтидоий металлургларга энеолит давридан маълумлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу конларга саразмликларнинг эгалик қилиши Саразмда металлургия саноатининг профессионал даражада ихтисослашувига олиб келади, яъни янгидан-янги маъдан конларини қидириш, руда хомашёсини транспортировка қилиш, рудадан металлни ажратиб олиш ва металлдан турли хил меҳнат ва ҳарбий қурооллар, уй-рўзғор анжомларини яшаш профессионал даражага кўтарилади. Ҳозирнинг ўзида Саразмдан топилган металл предметларининг сони 150 тадан ошиб кетди. Топилмалар орасида бронза пичоқ ва ханжарлар, болта ва пайканлар, тумор ва муҳрлар, олтин ва кумушдан ишланган тақинчоқлардан ташқари, бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ металл эритиш қозонлари-ю (тигеллар), асбобу-анжом қуйиш қолиплари, металл эритиш қўралари-ю, рудадан ажратиб олинган ёмбу-хомашёлар топилган. Буларнинг барчаси Саразмда энеолит ва бронза даврида яхшигина металлургия маркази таркиб топганидан далолат беради. Бу конларнинг довуғи ҳатто узоқ Сибирь ва Тоғли Олтой дашт қабилаларининг ҳам эътиборини ўзига тортади<sup>110</sup>.

<sup>109</sup> История таджикского народа // Том 1. -Душанбе, 1998. -С. 159.

<sup>110</sup> Исаков А., Потёмкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане // СА, №1, 1989. -С.145-167.

Қадимги Саразм аҳолисининг иқтисодий асосини суғорма ва лалмикор деҳқончилик ташкил этган. Ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари, жумладан, кулолчилик, тўқимачилик, металлургия, тоштарошлик яхши ривожланган. Бу давр учун характерли технологик кашфиёт – кулолчилик чархида идиш яшаш пайдо бўлади. Саразм IV қатламидан топилган чарх ўқининг икки дона тош асоси бундан гувоҳлик беради. Саразм сополлари сиртига берилган пардозлар ва улар устидан юритилган ранг-баранг гуллар саразмликларнинг бир томондан қадимги деҳқончилик минтақалари-жанубий Туркменистон ва Белужистон-Сейистоннинг бобо деҳқонлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Саразм сополлар комплексида Калтаминор маданиятига тегишли сопол парчаларини учраши уларнинг қуйи Зарафшон ҳавзаси Дарбозақир жамоалари билан иқтисодий ва этномаданий алоқада бўлганлигидан гувоҳлик беради. Таъкидлаш жоизки, қимматбаҳо тошлардан турли хил тақинчоқлар, тумор ва муҳрлар яшаш профессионал юксакликка кўтарилган. Саразмдан топилган доира шаклидаги бир муҳр айланаси бўйлаб ишланган буқа ёки сигир сурати нафақат ўзининг ноёблиги билан, балки бронза даври наққошининг маҳорати, нафис санъат асари сифатида ишланиши билан кишини лол қолдиради. Турли хил материаллардан ишланган бундай муҳрлар Қадимги Бактрия ва Марғиёнада мил. авв. II-минг йилликда кенг тарқалган<sup>111</sup>.

Зарафшон водийсида ишлаб чиқарувчи хўжаликка асосланган яна бир ёдгорликлар комплекси Замонбобо маданиятидир. Бу маданият милoddан аввалги III-минг йилликнинг охири ва II-минг йилликнинг бошларида Зарафшоннинг қуйи ҳавзасида, икки минтақа жамоаларининг ўзаро иқтисодий ва этномаданий алоқалари натижаси сифатида, маҳаллий аҳоли этник асосида шаклланди<sup>112</sup>. Ушбу маданият соҳиблари иқтисодий ҳаётига жанубий қўшниларининг хўжалик ихтиролари катта таъсир кўрсатган. Замонбоболиклар улардан бошоқли экинлар экишни, кулолчиликда чархдан фойдаланишни, икки камерали хумдонларда сопол идишлар пиширишни, ярим қимматбаҳо ранг-

<sup>111</sup> Сарианиди В.И. И здесь говорил Заратуштра. –М., 1992, стр. 236-246.

<sup>112</sup> Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура... -С. 166-170.

баранг тошлардан нафис санъат асарлари даражасида мунчоқлар яшаш, уларни пардозлаш ва тешиш техникасини ўрганди. Замонбобо қабилаларининг жанубий жамоалар билан олиб борган ўзаро маданий ва хўжалик алоқалари охир оқибатда намли қоқ ерларга экиладиган мотиға деҳқончилиги, асосан гўшт ва сут маҳсулотлари билан жамоанинг кундалик эҳтиёжини таъминлаб турган хонаки чорвачиликка асосланган комплекс маданиятининг шаклланишига олиб келди<sup>113</sup>.

Масалага тадрижий тарихийлик нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳудудда илк ва ривожланган бронза даврида истиқомат қилган замонбоболиклар изсиз йўқолиб кетмаган. Уларнинг авлодлари сўнгги бронза даврига келганда бу ҳудудга кириб келган янги этник гуруҳлар билан аралашиб, келгиндилар (Андронова орийлари) сиёсий ҳукмронлиги остида яшашда давом этганлар. Бироқ, уларда янги этник гуруҳлар таъсирида, қуйи Зарафшоннинг дашт минтақаларига хос табиий–географик шароит хўжаликнинг ўзга тармоқларини (деҳқончиликнинг) ривожланишига имкон бўлмаган. Микроминтақанинг табиати сувга танқис жиҳатлари билан Жанубий Қизилқум шароитида милoddан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярмида хўжаликнинг чорвачилик йўналишининг жадал ривожланишига олиб келган. Деҳқончилик хўжалиги эса объектив табиий–географик омилларга кўра, бу заминда то антик даврига қадар ривожлана олмади. Бундай ҳулосага келишликни қадимги Бухоро воҳасининг ғарбий туманларида олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди<sup>114</sup>.

Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида бизга маълум бўлган навбатдаги тарихий босқич бронза даври бўлиб, бу даврнинг соҳиби эгалари тозабоғёб типигаги дашт қабилаларининг андронова орийлари эди. Улар Ўрта Осиёга, унинг шимолий-шарқий туманларидан кўчиб келганлар. Албатта, улар Саразм ва Замонбобо аҳолиси билан тўқнашган ва улар ўртасида қандайдир алоқалар оқибатида аралашиб кетганлар. Масалан, Қуйи Зарафшоннинг Гужайли

---

<sup>113</sup> Гулямов Я.Г.и др. Первобытная культура... -С. 170.

<sup>114</sup> Шишкин В.А. Варахша. –Ташкент: Фан, 1963.

мавсумий мазилгоҳларида Замонбобо маданиятига тегишли предметларнинг учраши (масалан, чакмоқтошдан ясалган лавовийлист шаклидаги пайконлар, қимматбаҳо тошлардан ишланган мунчоқлар) ёки Тўқайли манзилгоҳида дашт маданиятига хос сополлар билан бирга сирти силлиқ қилиб пардозланган оч қизғиш ангобли сополлар ва кулолчилик чархида ясалган Саразм 4 даврининг ғишт рангли сополларининг учраши, шунингдек, Тўқайлида руда эритиш ва руда янчиш билан боғлиқ меҳнат қуроллари ҳамда чакмоқтошдан ясалган мафтункор пайконларнинг учраши икки этник гуруҳларнинг аста-секин ўзаро қоришувидан гувоҳлик беради.

Ўша давр ижтимоий-сиёсий вазиятига кўра, бу табиий ҳол эди. Чунки, шимол чорвадорларининг жанубий минтақаларга миграцияси муносабати билан Зарафшон водийсида вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият жанговар дашт суворийларининг минтақада сиёсий ҳукмронлигини таъминлади, уларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Саразмда металлурглр ҳаёти инқирозга учраб, воҳада сиёсий ҳукмронлик дашт жамоалари қўлига ўтгач, янгидан ташкил топган ҳар бир аҳоли пунктида саразмликлар кучи ва иқтисодий хўжалик юритиш тажрибаларидан, биринчи навбатда, тоғ саноати билан боғлиқ тажрибаларидан фойдаланиш доимо дашт қабилалари эътиборида бўлади. Қадимги Хитой манбаларида таъкидланганидек, уларнинг Жанубий Сибир даштларида истиқомат қилган уруғ ва қабиладошлари “Ху”, “Хули”, “Ди”, “Хунн” номлари остида туркийда сўзлашганлар. Уларнинг жанубга томон миграцияси муносабати билан милoddан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан Ўрта Осиё ҳудудларида туркий этнос пайдо бўлади. Академик А.Асқаров ана шу янги моддий маданият ва ёзма манбаларга асосланиб, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси бронза даврига бориб тақалади, деган янги ғояни кўтариб чиқди<sup>115</sup>.

---

<sup>115</sup> Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология, ва этнология // “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, №6. -Тошкент, 1996. –Б. 71; Ўша муаллиф. Об исконной родине расселения древних тюрок // ИМКУ, вып. 32. -Ташкент, 2001. -С. 69-72; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари // «Ўзбекистон тарихи» журналы, №4. -Тошкент, 2002. –Б. 55; Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар // «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва

Зарафшон водийси уруғ жамоалари ҳаётида турли илк диний эътиқодлардан сўнг табиат унсурларига, биринчи навбатда, қуёшга сиғиниш деҳқончилик ва чорвачиликнинг кашф этилиши билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсининг илк деҳқончилик маданияти Саразмда оташпарастлик объектлари яққол кўзга ташланади. Масалан, Саразмда, унинг Саразм II босқичидан бошлаб уй-жой комплексларида махсус алтарли хоналар учрай бошлайди. Маҳобатли платформа устида аниқ режа асосида қурилиб, 12 та алтар топилган. Ушбу бино умумсаразм жамоасининг оташпарастлик ибодатхонаси бўлмаса ҳам, ҳар қалай, у сўнгги энеолит даври қабила сардори-кависининг қароргоҳи бўлган бўлиши мумкин.

Саразмда умумсаразм жамоа ибодатхона комплекси тўртинчи қазишмадан топилган. Улар учта, уларнинг биттаси сўнгги энеолит (Саразм II) ва иккитаси бронза даврига (Саразм III ва Саразм IV) тегишли бўлиши керак. Бронза даврига оид ибодатхоналардан бирининг майдони 200 кв метр, 5 та бир сафда турган хоналардан иборат. Уларнинг шарқий деворлари узунасига, оралари 1,5 метр масофадаги пилястрлар билан безатилган. Ибодатхона комплексида бешинчи хона меъморий жиҳатдан бошқалардан ажралиб туради. Унинг майдони 75 кв метр, марказида икки ғишт баландлигидаги таг супа устига диаметри 1,25 см келадиган думалоқ алтар жойлаштирилган. Бу Саразмда очилган алтарларнинг энг каттаси<sup>116</sup>. Унинг фасад қисми пилястрлар билан безатилган бўлиб, у ижтимоий-диний характерга эга.

Қолган культ объектлари уч ва тўрт хонали бинолардан иборат бўлиб, уларнинг хоналаридан бирида айлана ёки квадрат шаклидаги алтарлар учрайди. Алтарли хона деворлари ва поли кундалик ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бинолардан фарқли ўлароқ, қизил ранг (ўхра) билан бўялган. Учинчи культ комплексининг марказий қисмини эгаллаган хонага катта ҳажмдаги квадрат (100x105 см) алтар жойлаштирилган. Бу алтарнинг ўртасида диаметри 20 см дан кам бўлмаган чуқурча бўлиб, унинг косасида кул излари бор.

---

маданият”. -Тошкент, 2003. –Б. 176-184; Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. -Тошкент, 2007. – Б. 204-212.

<sup>116</sup> Исаков А. Саразм... -С. 72-73.

Алтар яқинида хона полига овал шаклидаги тош ёрғучоқ ўрнатилган. Унинг атрофи эса катта-катта қайроқ тошлар билан ўраб олинган. Бу ёрғучоқ тош қандайдир диний урф-одат, эътиқод билан боғлиқ “қурбонлик тоши” бўлса керак. Бу диний мажмуанинг деворлари полихром рангли нақш билан бўялган. Бино деворлари қизил, ҳаворанг, сариқ ва қорамтир-жигарранг рангларга безалган бўлиб, рангли нақшлар горизонтал чизиқлар, геометрик фигуралар, учбурчак ва яримхочлардан иборат. Бу безак услуб Саразмнинг сўнгги энеолит даври сополларига характерлидир<sup>117</sup>. №4 қазилмада диний объектларга тегишли яна тўртта хона очилган. Уларнинг ҳам марказий қисмида квадрат шаклида алтарлар топилган. Бу хоналар оилавий ибодатхоналар бўлиши мумкин.

Саразмда ижтимоий характердаги диний культ комплекслари ва қабила сардорларининг маҳобатли қароргоҳларининг пайдо бўлиши, бир томондан, Зарафшон водийсида илк шаҳарсозлик маданиятининг жадал шаклланаётганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, уларнинг ижтимоий-диний характеридан гувоҳлик беради. Яъни Саразмда ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ва жамоани бошқариш тизими руҳоний сардорлар – кавилар қўлига ўтади, шаклланиб бораётган илк шаҳарнинг марказий бошқарув функцияси ибодатхоналар қўлида тўпланади. Саразмда бу тарихий жараённинг юз бериши археологик материалларнинг комплекс таҳлилига кўра, милоддан аввалги III-минг йилликнинг охири ва II-минг йилликнинг биринчи ярмида содир бўлган. Айнан шу даврда Жарқўтон (Жанубий Ўзбекистон), Дашли (Шимолий Афғонистон), Келели ва Гонур (Жанубий Туркменистон) каби бронза даври ёдгорликларида монументал протозардуштийлик ибодатхоналари, дунёвий характердаги монументал шоҳона саройлар пайдо бўлади<sup>118</sup>. Бу туб ижтимоий-

---

<sup>117</sup> Исаков А. Саразм... -С. 93-96.

<sup>118</sup> Аскарлов А. Энг қадимги шаҳар. -Тошкент, 2001. -Б. 13-18; Ўша муаллиф. Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар // “Мозийдан садо”, №1. -Тошкент, 2001. -Б. 26-31; Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. -Самарканд, 1993. -С. 101-104; Аскарлов А., Ширинов Т. Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане // Сб. «Градостроительство и архитектура». -Ташкент, 1989; Сарияниди В.И. Древности страны Маргуш. -Ашхабад, 1990. -С. 102-155; Его же. Протозороастрийский храм в Маргиане и проблема возникновения зороастризма // ВДИ №1, 2002; Его же. // В поисках страны Маргуш. -Москва, 1993; Его же. И здесь говорил Заратустра. -Москва, 1992.

иқтисодий ва маданий жараёнлар Суғд ўлкасини четлаб ўтиши мумкин эмас эди.

Зарафшон водийсида оташпарастлик диний эътиқоди яққол кўзга ташланган объектлардан яна бири Замонбобо маданиятидир. Замонбобо манзилгоҳи кулбасини қазиб вақтида оташпарастликдан далолат берувчи қуёш рамзининг сопол парчасидаги акси топилган<sup>119</sup>.

Сополга чизилган қуёш рамзи қизғиш рангда доира шаклида бўлиб, унинг иссиқ нурлари қуёш айланаси бўйлаб овал шаклида чизилган ерга нур таратиб турибди. Ергача ёйилиб етиб келган қуёшнинг бу иссиқ нурларидан она замин тобланиб, инсонларга ҳаёт бағишламоқда. Замонбоболиклар эътиқодида инсон жони чиққач, унинг руҳи қуёш каби танадан ажралиб, боқий оламга учиб кетади ва танадан тез-тез хабар олиб турилади, деган тасаввур мавжуд. Шунинг учун улар мазорларга квадрат шаклида ишланган сопол қушдонлар қўйганлар. Қушдонларнинг ички қисми иккига бўлинган, яъни қушдоннинг катта қисми дон учун, кичик бир бурчак қисми сув учун режалаштирилган<sup>120</sup>. Мана шу типдаги сопол идишларнинг қабрларда учраши замонбоболиклар руҳий оламининг оташпарастлик билан боғлиқ рамзий кўринишидир.

Зарафшон водийсида ибтидоий оташпарастларнинг яна бир объекти Самарқанд шаҳридан 16 км шарқда, Жуков қишлоғи яқинидан топилган<sup>121</sup>. Қазилмалар вақтида ер сатҳидан 4 метр чуқурликдан диаметри 3,06 метрли тошғов очилади. Тошғов девори харсанг тошлардан таркиб топган фундамент устига қурилган. Тошғовнинг ичидан иккита кулга тўла чуқурчалар топилган. Унинг бирида тошболта, чакмоқтош ўқ учлари, иккинчисида митти ҳовонча сопи топилган. Уларнинг атрофида митти ҳовонча сопининг синиқлари, камон ўқининг учлари (пайконлар), турли тош қуроллар, суяк ва терракота буюмлари, исирикдон синиғи, дашт қабилалар маданиятига тегишли сопол парчалари сочилиб ётарди. Тошғовнинг ғарбий қисмидан (диаметри 22 см) учинчи

<sup>119</sup> Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура... -Табл. VII, рис.3.

<sup>120</sup> Гулямов Я.Г. и др. Первобытная культура... -Табл. VII, рис. 1, 2.

<sup>121</sup> Аванесова Н.А., Джуракулова Д.М. Древнейшие номады Зеравшана // «Культура номадов Центральной Азии». Материалы международной конференции. Самарканд, ноябрь, 2007 г. -Самарканд, 2008. -С.12-32.

чукурча – оловхона топилиб, унинг ичи оҳрага тўла бўлган. Унинг ичида садафдек оқ майда мунчоқлар ва иккита қўй ошиғи топилган. Оловхона чукурчаси усти сопол бўлаги билан беркитилган. Тошғовнинг қолган қисмларида оҳра ва кўмир доғлари, хайвон суяклари, суяк ва бронза топилмалар, чақмоқтошдан ишланган майда меҳнат қуроллари сочилиб ётган.

Тошғов ичида ҳеч қандай қабр излари ёки одам суякларининг парчалари учратилмади. Тошғов ичидан топилган ашёвий далиллар таркибига қараганда, ушбу объект дашт қабилалари маданиятига тегишли, уларнинг ҳаёт тарзига мос оташпарастлик ибодатхонасига ўхшайди. Муаллифларнинг таъкидлашича, бу жой аجدодларимизнинг энг қадимги ва узоқ вақтлар фаолият кўрсатган очик майдондаги “ибодатхона”си бўлиши мумкин. Чунки бу жойда аجدодлар руҳи ва қуёш худосига атаб қурбонликлар қилинган, муқаддас олов ёқириб, турли қуроллар ва сопол идишлар синдирилиб, оловга ташланган, қабила худоларига мақтовлар айтилиб, олов атрофида турли маросимлар ўтказилган<sup>122</sup>. Демак, тошғов ичидан топилган ашёвий далиллар ва қабр изларининг учрамаслиги ушбу объектни оташпарастлик дини билан боғлиқ маросимлар ўтказиш меъмориал диний комплекси сифатида талқин этишни тақозо этади<sup>123</sup>. Ёдгорликка бу жиҳатдан ёндашилганда унинг маънавий олами жанубий минтақалар бобо деҳқонларининг оташпарастлик дунёси билан боғлиқ эканлигига ишора қилади. Аммо ушбу объектдаги топилмалар, айниқса, сопол ва уларнинг нақшлари, тошғов конструкцияси ёдгорликларининг келиб чиқиш тарихий илдизларини кўпроқ дашт қабилалари маънавий дунёси билан боғлиқ эканлигидан гувоҳлик беради<sup>124</sup>.

Зардуштийлик динига тегишли яна бир объект илк темир даврига тегишли бўлган Кўктепа ёдгорлигидир. Бу ёдгорликнинг марказий қисмида қандайдир монументал бино бўлиб, унинг томонларининг бешдан тўрт қисми ва устки қисми маҳаллий аҳолининг экин-текинлари туфайли бузилиб, тупроқлари тошилиб, ундан атиги тахминан 70 кв метр майдон сақланиб

<sup>122</sup> Аванесова Н.А., Джуракулов М.Д. Древнейшие номады ... стр. 16.

<sup>123</sup> Аванесова Н.А., Джуракулов М.Д. Древнейшие номады ... стр. 14-16.

<sup>124</sup> Аванесова Н.А., Джуракулов М.Д. Древнейшие номады ... стр. 16-31.

қолган. Объектда қазилма ишларини олиб борган М.Х.Исомиддинов ва К.Рапен бу шаҳарнинг бош оташгоҳининг ўрни бўлса керак, деган фараз билан, унинг 2 метр баландликда сақланган платформа ғишлари остидан пол очишади. Пол юзасида Кўктепа 1 даври сопол парчалари, ўроқсимон тош пичок топилган. Пол кесиб тушилганда, унинг остидан Кўктепа 1 археологик комплекси аралаш қалин (2 метрга яқин) қулли юмшоқ қуйган тупроқ қатлами ва қандайдир қурилма қолдиқлари борлиги аниқланади. Унинг остида ғиш ранги даражасида қуйган иккинчи пол чиқади. Ёдгорлик марказини эгаллаган монументал бино қолдиғи қазилма муаллифларининг таҳлилий хулосасига кўра, оташпарастларнинг диний комплекси бўлиши мумкин. Чунки бу, биринчидан, ёдгорлик марказида жойлашган, иккинчидан, бу ерда ўтказилган қазилма натижаларига кўра платформа остидан олов билан боғлиқ қандайдир қурилма қолдиқлари учрайди, бу эса унинг диний характерида далолат беради<sup>125</sup>. Ушбу объектни Кўктепа шаҳар жамоасининг марказий оташпарастлик ибодатхонасининг ўрни бўлган, деган фаразга қўшилган ҳолда, яна шуни таъкидлаш жоизки, бу марказий тепалик нафақат Кўктепа 1 даврида, балки шаҳар ҳаётининг Кўктепа II даврида ҳам Зардуштийликнинг бош оташгоҳи жойлашган макон бўлган. Афсуски, ундан атиги бизгача платформа сақланган бўлиб, унинг устидаги ибодатхона қурилмалари ёки бош оташгоҳ – алтар бузилиб кетган.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларга яқин ясаб айтиш мумкинки, Зарафшон водийсида энеолит ва бронза даврида яшаган ибтидоий уруғчилик жамоалари диний ва маънавий дунёсида оташпарастлик фундаментал асосга эга бўлган. Сўнгги бронза ва илк темир даврининг ноёб ёдгорлиги – Кўктепадан топилган монументал характердаги зардуштийлик ибодатхонаси фикримизнинг янада асосли эканини тасдиқлайди. Демак, оташпарастликнинг зардуштийлик диний мавқеига ўсиб чиқишида Суғдиёна ўлкасининг ҳиссаси қадимги Бактрия ва Марғиёнадан кам бўлмаган.

---

<sup>125</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. -Ташкент, 2002. -С. 36-37.

Зарафшон водийсида илк урбанистик жараёнлар археологик материаллар таҳлиliga кўра, қачонким бу ўлкада Саразм деҳқончилик маданияти шаклланган (Саразм II) даврдан бошланди. Саразмдан топилган ижтимоий ва диний характердаги монументал бинолар, тоғ саноати билан боғлиқ металлургия хунармандчилиги, тошдан турли меҳнат ва ҳарбий қуроллар яшашнинг санъат даражасига кўтарилиши; оташпарастилик ибодатхоналар ва улар билан боғлиқ диний ритуал ашёларининг ишлаб чиқаришнинг юксак даражада бўлиши; Саразм металлурглари ишлаб чиқарган мис, кўрғошин, олтин, турли рангли тошлардан ишланган меҳнат ва ҳарбий қуроллар ҳамда металл хомашёларининг минтақалараро савдога чиқарилиши; айнан шу даврда Жом орқали дашт савдо қарвон йўлининг таркиб топиши ва бронза даврига келганда Жомда савдо қарвон саройларининг шаклланиши ва бошқалар водийда юз берган, жадал ривожланиб бораётган урбанистик жараёнлардан гувоҳлик беради.

Бироқ милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан археологик ва ёзма (Авесто) манбаларнинг таҳлиliga кўра, чорвадор орий қабилаларининг шимолий-шарқдан жанубга миграцияси муносабати билан Ўрта Осиёда, жумладан, Зарафшон водийси ибтидоий жамоалари ҳаётида ҳам тубдан ўзгаришлар юз беради. Бутун Ўрта Осиё, жумладан, Зарафшон водийсига, ўзга этник гуруҳларнинг кириб келиши билан минтақанинг анъанавий ҳаёт тарзига путур етади. Улар маҳаллий аҳоли ҳаётига кириб борадилар. Саразмда гуллаб-яшнаб бораётган илк шаҳарсозлик маданиятининг инқироzi, Ёри, Кончач ва Жилоу маъдан қонларининг саразмчилардан улар қўлига ўтиши бу жараёнлардан далолат беради.

Бироқ анъанавий хўжалик ва маданий юксакликлар ҳеч қачон изсиз йўқ бўлиб кетмаганидек, бутун Ўрта Осиё бўйлаб юз берган илк урбанистик жараённинг бу инқироzi минтақага хос Қадимги Шарқ цивилизацияси тарихий илдизлари асосида милоддан аввалги II-минг йилликнинг охири ва I-минг йилликнинг бошларидан яна жонлана бошлайди. Ана шу жонланишнинг гувоҳи

сифатида Зарафшон водийсининг ўрта қисмида Кўктепа, Афросиёб каби илк шаҳарлар қад кўтаради.

Сунъий суғоришга асосланган қадимги деҳқончилик маданияти жамоаларининг ҳаётий тажрибаларисиз қисқа муддатда бундай юксак маданиятга эришиш мумкин эмас эди. Зарафшон водийсида юксак анъанавий турмуш тарзи билан яшаб келаётган Саразм маданияти жамоалари дашт қабилаларининг жанубга томон миграцияси даврида батамом йўқ бўлиб кетмаган. Шу боисдан Кўктепа 1 даври аҳолисининг ибтидоий турмуш тарзи узоққа чўзилмайди. Зарафшон водийсининг қайси бир жойида юксак деҳқончилик маданияти соҳиблари – саразм авлодлари яшашда давом этадилар. Ҳарбийлашган жанговар дашт қабилалари эса маҳаллий аҳолининг юксак даражада ривожланган маданий-хўжалик ҳаёти таъсирида аста-секин ўтроқ ҳаётга ўтиб, муқимлашадилар. Икки хўжалик соҳибларининг биргаликда яшаш шарт-шароитлари, уларнинг нафақат маданий-хўжалик жиҳатдан уйғунлашишига, балки этник жиҳатдан яқинлашишга, ўзаро этномаданий қоришувига олиб келади.

Айнан шу даврдан бошлаб, Суғдиёна тарихида қадимги суғд даври, илк давлатчиликка асос солинган давр бошланади; Зарафшон водийсининг қадимги деҳқончилик маданияти Суғдиёнани ривожланган тарихий-маданий ўлкага айланишига олиб келади. Бу суғд халқи ҳаётида юз берган туб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар Кўктепа материалларига кўра, милoddан аввалги I-минг йилликнинг бошларида юз берди. Буларнинг барчаси Зарафшон водийсида урбанистик жараёнлар ва илк шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланишидан далолат беради.

Антик даврига келиб (мил. аввалги IV асрдан) Суғдиёна ўлкасида том маънодаги шаҳарлар, кўп тармоқли ҳунармандчилик марказлари, товар-пул муносабатлари асосида қурилган ва халқаро савдо марказларига айланган йирик шаҳарлар таркиб топади. Бу жараёнларни Кўктепанинг юқори (Кўктепа III), Афросиёбнинг қуйи (Афросиёб III-IV) қатламлари мисолида кўришимиз мумкин.

## Хулоса

Биз ушбу рисолада тадқиқот натижалари ва улардан келиб чиққан якуний умумлашмалар, тош ва бронза даври археологик комплексларининг янгича таҳлилидан келиб чиққан хулоса ва мулоҳазаларни баён этдик. Дарҳақиқат, Зарафшон водийси ёдгорликларининг кўплиги, хилма-хил ва турли даврларга оидлиги билан Ўрта Осиё маданият тарихида муҳим ўрин тутади. Унинг ҳудуди қадимги тош даврининг мустъе босқичидан бошлаб ўзлаштирилган. Минтақа қадимги маданиятларининг хилма-хиллиги, ҳар бир давр ва уларнинг тарихий кетма-кетликда жадал ривож топган босқичлари инсоният тарихига катта маданий мерос қолдирган. Бу жуда бой ва хилма-хил маданий мерос ҳозиргача ҳеч ким томонидан умумлаштирилмаган ва аниқ бир илмий тизимга солинмаган ҳамда махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган эди. Бу бой тарихий ва маданий мероснинг талқини ва илмий таҳлили, уларнинг муаллифлари томонидан амалга оширган тадқиқотлари кўп ҳолларда бугунги замон талабига жавоб бермайди. Улар янгича талқин ва таҳлилга муҳтож эди. Мавжуд материалларни янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида илмий таҳлил қилиш, замон талаби асосида илмий таҳлилдан ўтказиб, уларни тарихий кетма-кетликда умумлаштириш ушбу рисоланинг асосий мазмунини ташкил этади. Рисолада биринчи бор Учтут неолит шахталари материалларининг янгича таҳлили асосида “неолит инқилоби” билан боғлиқ техник кашфиётларнинг туб моҳияти очилган; Саразм маданиятининг юқори Зарафшон воҳасида таркиб топишининг иқтисодий сабаблари, Саразм металлургия маркази туфайли Жом савдо карвон йўли ва Жом савдо карвон саройининг ташкил топиши, Саразмда илк шаҳарсозлик маданиятининг инқирозий сабаблари, чорвадор қабилаларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши ҳамда маҳаллий қабилаларнинг ҳаётида юз берган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришларнинг юз бериши муносабати билан бронза давридан эътиборан воҳада жойли этноснинг пайдо бўлиши каби масалалар илмий асосда ёритилди.

Зарафшон водийси ёдгорликларининг даврий санаси билан боғлиқ катор муаммоларга асосли аниқликлар киритилди.

Зарафшон водийсининг ибтидоий тўда ва уруғ жамоалари даври тарихи бўйича тўпланган археологик манбаларнинг тарихга янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида таҳлил қилиниши туфайли қуйидаги асосий хулосаларга келинди:

— Зарафшон водийсининг одамзод томонидан илк бор ўзлаштирилиши қадимги тош даврининг мустъе босқичидан бошланган. Шу даврдан бошлаб, Зарафшон водийси кишилик тарихининг барча давр ва босқичларида кенг ўзлаштирилиб келинган;

— кишилик тарихига хос жамиятнинг минтақавий ривожланиш қонунияти Зарафшон водийсида неолит даврининг охирлари ва асосан энеолит давridан ишлай бошлаган. Бу ҳолатнинг юз бериши қадимги деҳқончилик маданияти таркиб топиши билан боғлиқ эди;

— Зарафшон водийсида илк бор қад кўтарган ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорлиги воҳанинг ўрта ва қуйи қисмларида эмас, балки унинг энг юқори қисмида пайдо бўлди. Чунки у биринчи навбатда маъдан конлари билан боғлиқ эди;

— қадимги деҳқончилик маданиятининг Саразмда шаклланиши муносабати билан Зарафшон водийсида йирик Саразм металлургия маркази ташкил топди. Бу марказнинг металл хомашёсининг жанубий минтақаларга кириб бориши туфайли Жом дашт савдо қарвон йўли ва Жом савдо қарвон саройи ташкил топди;

— энеолит ва илк бронза даврида интенсив ривожланишда давом этган урбанистик жараёнлар милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан инқирозга юз тутди. Бу ҳолат чорвадор кўчманчи қабилаларнинг шимолий-шарқдан жанубий ўлкаларга миграцияси билан боғлиқ эди;

— милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталарида юз берган сиёсий инқирозлар Зарафшон водийсининг металлургия маркази сифатида мавқеини тушириб юбормади, аксинча, маъдан конларининг янги хўжайинлари —

чорвадорлар хўжаликнинг бу тармоғидан келадиган мўмай даромаддан манфаатдор эдилар;

— милоддан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярми ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва сиёсий воқеаларга бой давр бўлганлиги билан характерланади. Биринчидан, “кечаги” чорвадор қабилаларнинг катта қисми воҳанинг табиий-географик шароитлари деҳқончиликка қулай жойларда ўтроқ ҳаётга ўтиб, муқимлашадилар; иккинчидан, воҳада мунтазам мўътадил ҳаёт таркиб топади ва воҳадаги турли этник гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва этномаданий алоқалар ривожланиб, ўзбек этногенезининг куртаклари ниш ура бошлайди; учинчидан, чорвадор қабилаларнинг кириб келиши билан инқирозга юз тутган урбанистик жараёнлар милоддан аввалги II-минг йилликнинг охири ва I-минг йилликнинг бошларидан яна жонланиб, воҳада Кўктепа, Афросиёб, Хўжабўстон каби илк шаҳарлар қад кўтаради.

**Зарафшон водийсининг ибтидоий давр қабилалари моддий  
маданияти. (Рисола)**

**Тузувчи:** доц. Джўракулова Д.М.

**Мухаррир:** Э.Кулахмедов

**Мусахҳих:** М.Рўзибоев

**Техник муҳаррир:** \_\_\_\_\_